

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2010-yil 30-oktabr, shanba № 85 (8318) ISSN 2010-6416

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Янги авлод — 2010» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичлари ҳақиқий санъат байрамига айланмоқда.

Мумтоз кўшиқчилик, вокаль ва миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, рақс, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод йўналишлари бўйича бўлиб ўтаётган мазкур фестивалга ёшлар ўртасида қизиқиш тобора ортиб бораётир.

Фестиваль қатнашчилари орасида қишлоқ ёшларининг кўплиги жойларда навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун барча шароит яратилаётганидан, таълим-тарбия ишлари савияси юксалиб бораётганидан далолат беради. Ушбу фестиваль истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидор ва имкониятларини тўла намоён этишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суратларда фестивалнинг Сурхондарё ва Жиззах вилояти босқичларидан лавҳалар акс этган.

Ф. АБДУРАСУЛОВ
ва У. РАҲМОНҚУЛОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

«Yangi avlod — 2010»



ФАННИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ЁШ ОЛИМЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Фанлар академиясида "Фаннинг долзарб муаммолари ёш олимлар нигоҳида" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимиз Фанлар академияси ёш олимлар кенгаши, Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Б.Фаниев юртимизда навқирон авлодга жаҳон андо-

залари даражасида таълим бериш, иқтидорини намоён этишига кўмаклашиш, изланувчан, салоҳиятли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самара бераётганини таъкидлади.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида таълим масканларининг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб, таълим сифати ва мазмуни такомиллашиб бормоқда. Илмий ва интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш учун ҳам барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимиздаги олий таълим масканлари ва илм-фан муассасала-

рида илмий изланиш олиб бораётган ёшларимиз тадқиқотларни замонавий лабораторияларда амалга ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатларини му-

2010-yil — Barkamol avlod yili

вофиқлаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Фанлар академияси ҳузурда ёш олимлар кенгаши иш олиб бормоқда.

Фанлар академияси "Физика-куёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти катта илмий ходими, техника фанлари ном-

зоди Жобир Аҳадов ана шундай изланувчан ёшлардан. 27 ёшида фан номзоди илмий уновони сазовор бўлган тадқиқотчи экологик соф энергиядан фойдаланиш кўламини

ошириш юзасидан изланмоқда. Олим бу борада яратган қуёш энергиясидан бир йўла водород, электр ва иссиқлик энергиясини олишга мўлжалланган янги қурилма анъанавий Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида мутахассисларнинг катта қизиқишига сазовор бўлди. Айни пайтда Ж.Аҳадов ушбу қурилмани янада такомиллаштириш ва сано-

ат миқёсига татбиқ этиш юзасидан тадқиқот олиб бораётир.

Анжуманда фан ва олий таълим интеграцияси, ёш олимларнинг ижодий салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, жамиятимиз олдида турган долзарб вазифаларни бажаришда интеллектуал имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда илм-фан фаолиятига қизиқишини кучайтириш борасидаги долзарб масалаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Филология йўналишидаги фанлар инсоний фазилатлар тарбиясига дахлдорлиги билан ажралиб туради, десак, муболаға бўлмас. Биргина сўзлашув маданияти масаласига тўхталайлик: кимдир ўзининг равои, жозибали нутқи билан суҳбатдошининг кўнглига йўл топа олади, дилидагини тўғри баён этиш қобилиятига эга. Лекин...

«Фан ойлиги» атрофида бежиз бу мавзу хусусида сўз очмадим: таж-

лик давомида мактабимизда ҳафта кунларининг ҳар бири маълум мақсадларга йўналтирилди. Жумладан, очиқ дарслар ўтказилиб, барча фан ўқитувчилари, ота-оналар, маҳалла фаолларининг эркин қатнашиши, фикр билдиришига имконият яратилди. Она тилимизни улугловчи байрамлар ҳар бир синф, мактаб доирасида кўтаринки кайфиятда ташкил этилди. Серкуёш диёримизнинг бетакрор тароватини ифодаловчи

хунук кўринишини биласиз...» маъносида топшириқ бердим. Натижаси эса жуда қувонарли бўлди: нутқ маданиятини ўстириш машқлари уларнинг тарбиясига, билимларининг мукаммаллашишига ҳам хизмат қилди.

Мактабимизда «Ёш қаламкашлар тўғраги» ҳам фаолият юритади. Ойлик давомида улар томонидан ўтказилган «Шеърят кечалари»ни ҳам ана шундай аниқ мақсадларга йўналтиришга ҳаракат

ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Биз яшаётган XXI аср ахборот технологияларининг юксак даражада ривожлангани, фаол маълумотлар алмашинуви, инсон саломатлиги ва унинг ҳаёти энг олий қадрият сифатида баҳолашни билан характерланади. Дунёнинг турли бурчакларида гиёҳвандлик ва наркотики бизнесга, оммавий қирғин қуролларининг ишлаб чиқарилишига ва терроризмга қарши қатъий кураш олиб борилаётгани сўзимизни исботлайди. Бироқ оммавий ахборот воситалари орқали сайёрамизнинг турли ҳудудларида сув тошқини, зилзила, қурғоқчилик, ҳар хил фалокатлар ва бошқа вазиятлардан кишиларнинг маълум даражада азият чекаётгани ҳақида хабарлар тарқатилганлигига гувоҳ бўламиз.

Шу боис бугунги кунда кўпгина мамлакатларда ҳаёт учун хавф-хатар туғдирувчи бундай воқеа-ҳодисаларни прогностлаш, олдини олиш ва содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш йўлга қўйилган. Шунга қарамай, инсонларнинг хавфсизлиги фавқулодда вазиятлардан мутлақо кафолатланади, деб бўлмайди. Аввало, ҳар бир киши фавқулодда ҳолатлар ҳақида кенг тушунча ва билимга эга бўлиши, улар содир

бўлганда эса тўғри ҳаракатлана олиши зарур. Бунда эса фавқулодда вазиятлар ҳақида омма ўртасида кенг тушунириш ишларининг олиб борилиши, фавқулодда вазиятларнинг ўз вақтида башорат қилиниши ва аҳолининг огоҳлантирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг мажлислар залида ўтказилган «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда мониторинг ва башоратлаш ишларининг аҳамияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти» мавзусидаги матбуот конференцияси худди шу мақсадда ташкил этилди.

Тадбирга ахборот агентликлари, телерадиоканаллар, газета ва журналлар мухбирлари таклиф этилди.

Айтиш мумкинки, ўтган вақт давомида вазирлиқнинг Худудий бошқармалари, «Ўзгидромет» маркази, Геология ва минерал ресурслари давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар ходимлари билан ҳамкорликда сув тошқинлари, сел оқимлари ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудлар ўрганилиб,

хавфли ҳудудларда жойлашган хўжаликларга огоҳнома ва кўрсатмалар берилиши йўлга қўйилди. Фавқулодда вазиятлар хавфи мавжуд ҳудудлардаги ҳолатни назорат қилиш мақсадида республика бўйича жами 65та назорат-кузатув постлари ташкил этилиб, зарурий алоқа воситалари билан таъминланди.

Тоғли ҳудудлардаги қор захиралари ва баланд тоғли қўللарнинг ҳолатини баҳолаш, қор кўчкиси ва сел хавфи мавжуд ҳудудларни аниқлаш мақсадида жорий йилнинг ўзида тўрт маротаба аэровизуал кузатув ишлари амалга оширилганини ижобий баҳолаш мумкин.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти ҳамда уни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш масалалари юзасидан вазирлиқнинг Юридик хизмати бошлиғи, полковник Ф.Жумаевнинг маърузаси тингланди.

Тадбир сўнггида ОАВ ходимлари билан мутахассисларнинг савол-жавоб ва фикр алмашинувларига ўрин берилди.

Дилшод КАРИМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

СЎЗЛАШУВ

УНДА ҲАМ МАДАНИЯТ БОР

рибаларим, ҳаётий кузатишларим киши қайси касб эгаси бўлмасин, хуш муомаласи унинг етук мутахассис сифатидаги маҳоратига зеб бериб туришини асослади. 2006 йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этган, ҳамкасбларимнинг чиқишларини кузатганимда, хорж сафарларида бўлганимда ҳамроҳу маслакдошларим билан суҳбатларда нутқ маданияти нечоғлик катта аҳамият касб этишига амин бўлдим. Таъбир жоиз бўлса, ўтказилаётган фан ойлиги мана шулар ҳақида жиддий ўйлаб кўришимизга туртки бўлаётди.

Гарчанд бошланғич синфларга дарс берсамда, ўқувчиларимни ойлик давомида янада фаол бўлишларига, турли тадбирларда мунтазам иштирок этишларига эришишга уринаяпман. Ой-

расмлар, иншоолар, буклетлар танловлари, шеърят кечалари уюштирилди. Айниқса, «Мен с у х а н д о н бўлмоқчиман» деб номланган кечага тайёргарлик жараёни ўқувчиларимизнинг ўз устида ишлаш, изланиш машқларига айланиб кетганидан жуда мамнун бўлдим.

Мен болажонларимга «Уйингизда кўзгуга қараб ёдлаган шеърингиз ёки дўстингизга айтмоқчи бўлган фикрингизни, сахна кўринишингиздаги ролингизни ижро этиб кўринг-чи? Бу машқни беш-ўн марта такрорлаганингизда қандай ўзгариш бўлишини сезасиз. Агар сўзларни нотўғри талаффуз қилсангиз, қўпол муомалада бўлсангиз, чеҳрангиз ҳам

қилдик. Ўйлайманки, ҳар бир фан ойлиги нafaqat юқори, балки қуйи синфларда ҳам айрим муаммолар, эришилиши қийин кечаётган масалалар ечимини топишга хизмат қилса, ойлик ўз самарасини кўрсатади.

Мамлакат йўлдошева,
Ҳамза туманидаги 69-мактаб ўқитувчиси,
«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови голиби



Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 16 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010-2011 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига доир Халқ таълими вазирлигининг буйруғини бажариш мақсадида таълим объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ва штаб таркиби тuzилган. Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида 789та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, унинг 546тасини умумтаълим мактаби, 176таси-

ҚИШ ЯҚИН, УНГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ни мактабгача, 45тасини мактабдан ташқари таълим муассасалари ва бошқа объектлар ташкил қилади. 2010-2011 қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида 5та МТМда мукамал таъмирлаш, 438та мактабда, 5та меҳрибонлик уйи 178та болалар боғчаларида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 864м² ҳажмда синглан ойналар таъмирлаш ишлари 864м² ҳажмда синглан ойналар алмаштирилди.

— «Қиш гамини ёзда е» нақлига амал қилиб, тайёргарлик ишларини ёз мавсумида бошлаганмиз, — дейди вилоят

ХТБнинг молия ва қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Холмирза Носиров. — Кўмир

Taraddud

билан иситиладиган 197таси таълим муассасасини 6279 тонна кўмир ёқилгиси билан таъминлаш кўзда тутилган. Ҳозиргача жойлардаги 85 фоиз кўмир ёқилгиси етказиб берилди. Таълим муассасаларида тузилган маҳалла фаоллари, ота-оналар, туман халқ таълими бўлими вакиллари билан иситиладиган 197таси таълим муассасасини сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш назоратга олинган. Мавжуд 789та таълим муассасаларидан 565таси газ, 197таси кўмир ва 27таси суюқ ёқилги билан иситилади. 17та таълим муассасаси марказлашган қозонхоналар орқали иссиқлик тизимига уланган.

Жумладан, Форш туманидаги 51-мактабда ўқувчилар билим олиши учун барча шароит мавжуд. Айни кунларда мактаб жамоаси куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Тумандаги кўмир

билан иситиладиган таълим масканларига шу кунгача 1307 тонна кўмир келтирилди. Бу режанинг 92 фоизини ташкил этади.

Ўтаётган ҳар бир кун қиш мавсумини яқинлаштирмоқда. Қишнинг эса аёзли кунлари-ю, изғирини бор. Бу янада пухтароқ ҳозирлик кўришни тақозо этади. Зеро, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш нафақат соҳа ходимларининг, балки кенг жамоатчиликнинг муҳим вазифаси эканини унутмаслик даркор.

А.СОДИКОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ўқув йилининг 1-чораги ўз ниҳоясига етмоқда. Агар «Фарзандингизга қанақа дафтарлар олиб бердингиз?», деб сўралса, «Албатта энг яхшисини-да!», деган жавобни оламиз. Ахир ҳеч бир ота-она боласига сифатсиз буюмни раво кўрмайди. Аммо масаланинг энг нозик ва муаммоли жиҳати ҳам мана шунда: биз қандай дафтарларни «энг яхши»лар сафига қўшяпмиз?

ДАФТАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ...

Ҳар бир нарсада бўлгани каби ўқувчи дафтарининг ҳам ўз талаб ва меъёрлари бор. Қоғоз қадимдан инсон эҳтиёжи учун зарур воситалардан бири бўлиб келган. У дастлаб тери, кейинчалик ипак ва пахтадан ишланган. Кейинроқ техника тараққий этиб бориб, дарах пўстлогига ишлов бериш орқали сифатли қоғозлар олини бошланган. Бугунга келиб эса илм-фан, техника тараққий этиш шунчалик кучайдики, энди қоғоз ишлаб чиқариш санотини турли кимёвий моддаларнинг иштирокида тасаввур қилиб бўлмай қолди. Айни пайтда ўқув қуроллари сотиладиган расталарни айланинг: бир-бирдан ранг-баранг, киши ёзишга ҳам бироз ҳижолат тортадиган даражада сифатли дафтарлар кўпчилигидан қай бирини танлашга ҳам узоқ тараддуланиб қолишингиз аниқ. Аммо ана шундай вазиятда кимдир «Сиз бу дафтарларни эмас, Ўзбекистон тармоқ стандарти рўйхатидан ўтган мана бу дафтарларни сотиб олинг», деса, ҳеч бўлмаса кўнглингизнинг бир четида нега, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Тўғри, бунда биринчи навбатда ҳаёлга ватанпарварлик деган тушунча келиши шубҳасиз. Аммо масалага янада чуқурроқ назар ташланса, халқимизнинг «ўзингники ишончли» деган ҳикмати бежиз эмаслигига амин бўласиз.

Маълумки, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Стандартлаштириш, Метрология ва Сертификатлаштириш Агентлиги «Ўзстандарт», Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика давлат санитария-эпидемиология нazorat маркази ҳамкорлигида ўқувчи дафтарига қўйиладиган талаблар мезони ишлаб чиқилди.

БУНИ БИЛИШИНГИЗ ШАРТ

Хурматли ота-она! Дафтар харид қилаётганингизда тармоқ стандарти акс этган куйидаги қайдларга эътибор қаратинг!

Мактаб дафтарлари (ёзув дафтари, расм дафтари, альбомлар, умумий дафтарлар ва кундалик рейтинг дафтари)га қўйиладиган талаблар:

Мактаб дафтарлари — Tst 29-036:2009 тармоқ стандарти;

Расм дафтари ва альбомлар — Tst 29-032:2009 тармоқ стандарти;

Умумий дафтарлар — Tst 29-011:2009 тармоқ стандарти;

Кундалик рейтинг дафтари — Tst 29-033:2009 тармоқ стандарти.

БОЛА САЛОМАТЛИГИГА ХАВФ

Инобатхон Усмонова, уй бекаси:

— Қизим мактабга қатнай бошлагач, кўзи билан боғлиқ муаммо пайдо бўлди. Табиийки, бу унинг ўқишига таъсирини ўтказмай қўймади. Математика фанидан ўзлаштириши кескин пасайиб кетди. Доскани яхши кўрмагани учун мавзуларни тушунмаётган экан. Ўқитувчиси билан гаплашиб биринчи партага ўтказдик. Бироқ, бу билан муаммонинг тўлиқ ҳал бўлмаслиги аниқ. Энди унинг кўзи ёшланадиган бўлиб қолди. Гоҳида қизариб, шишиб кетарди. Шамоллаган бўлса керак деб ўйладим ва қора чойнинг шамаси билан чайдик. У ҳа деганда тузала-

вермагач, кўз шифокорига мурожаат қилдик, зарур муолажаларни олдик. Бироз тузалгандай бўлди-ю, яна аввалги ҳолатига қайтди: кўзидан яна ёш оқа бошлади. Шифокор энди, аллергия, деб ташхис қўйди. Шундан сўнг шифокор тавсиясига кўра, биринчи навбатда дафтарларини ўзгартирдик. Буни қарангки, фарзандим асосий вақтини дафтарга ёзиш билан ўтказгани боис арзон деб олиб берган дафтарнинг сифатсиз қоғозлари унда аллергия касаллигини келтириб чиқарибди...

Рауф Қосимов, Республика давлат санитария-эпидемиология нazorat марказининг Болалар ва ўсмирлар бўлими вазири:

— Бундан 10-15 йиллар аввал бозорлару китоб ва дафтар савдоси билан шуғулланувчи дўконларда сифатсиз

ҳамда силлиқлиги, механик мустаҳкамлиги ва проклейка даражаси кўрсаткичлардан кам бўлмаган қоғоз турлари танланган.

Айни пайтда республикамиздаги 7та нашриёт — «Шарк» НМАК, «Ўқитувчи», «Ўзбекистон», «Давр-пресс», «Арена holding group», «LPS» МЧЖ, «Янгийўл-полиграф сервис» биз билан шартнома тузган. Улар ўз ишлаб чиқараётган маҳсулотларини назоратдан ўтказиш учун дастлаб камида 3тадан намуна олиб келишади ва белгиланган муддат ичида лабораториядан ўтказамиз, сертификат олган дафтарларни сотувга чиқаришга тавсия қиламиз.

Айрим ҳолларда бозор расталарида ҳатто нашриёти қайд этилмаган ёки кўрсатилган бўлса ҳам тармоқ стандарти берилмаган, назоратдан ўтмаган дафтарлар учраб қолади. Шунда баъзи ота-оналар арзонроқ ёки муқовасидаги расмларга қизиқиб уларни харид қилишлари мумкин. Агар бу дафтарлар жигаргўшаларининг саломатлигига жиддий хавф солаётган омиллардан бири эканлигини билишса,

кам ҳолларда эътибор беришяпти. Кичкина катаклар эндигина оқ қоғозга қараётган болаларга ноқулайлик туғдиради. 6 ёшли ўқувчилар учун ҳам 7x7 ўлчамли дафтарлар қўл келади.

Ҳар бир ота-она дафтар харид қилаётганда, дафтар муқовасининг 4-бетидаги ГОСТга қараса, ёки сотувчи-

Dolzarb mavzu

дафтарлар ўқувчи диққатини бўлиб қўйиш билан бирга унинг руҳиятида жангарилик, зўравонлик кайфиятини пайдо қилар экан. Ярим яланғоч қизлар тасвири туширилган, ҳали ба-лоғатга етмаган ёшларнинг

Хурматли ота-она! Агар фарзандингиз 1-синф ўқувчиси бўлса, унинг дафтарларини кўлингизга олинг. Асосий чизиқларнинг рангига эътибор беринг — улар қора рангда бўлса, дарҳол воз кечинг! Чунки бу дафтарлар унинг саломатлигига хавф солади!

нинг сертификатини кўриб, кейин сотиб олса ва болага буларни тушунтирса, уларнинг саломатлигини таъминлаган бўлади.

МУҚОВА — ДАФТАРНИНГ, УНДАН ФЙДАЛАНАЁТГАН ЎҚУВЧИ ЭСА — БИЗНИНГ ЮЗИМИЗ

— «Бритни Спирс» қанча?

— 800 сўм.

— Менга 4та Бритни, 4та

физиологик-жинсий ҳиссиётларига таъсир этадиган ва инсоний муносабатларни оёқости қилишни «қаҳрамонлик» дея тарғиб қилувчи расмлар тасвири фарзандларимиз онги ва қалби учун хавфли мафкуравий хуруж эканлигини сезиш қийин эмас.


Аслида ўқувчи дафтарининг муқоваси қандай бўлиши керак? Унга қўйиладиган талаблар қанақа? Ушбу саволларга жавоб олиш учун мутахассисга мурожаат қилдик.

Аброр Аскарлов, Халқ таълими вазирлиги бўлим бошлиғи:

— Мактаб дафтарларининг муқоваси ва унинг ташқи безатилишида ёш авлод қалби ва онгига ижобий таъсир қилувчиларни ўстирувчи, ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириш ва дунёқарашини бойитишга қаратилган бўлиши шарт. Масалан, ёзув дафтари муқовасида ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантиришга ҳисса қўшган буюк алломалар, мутафаккир болаларимиз, ёзувчи ва шоирларнинг тасдиқланган суратлари, улар ҳақида қисқача маълумот, ҳикмат даражасига етган сўзлари, юртимизда мустақиллик йилларида барпо этилган нодир архитектура намуналари берилган бўлиши мақсадга мувофиқ. 4-саҳифада эса алифбо, давлат мадҳияси, тарихий саналар, грамматик қоидалар ва бошқаларга оид намуналар келтирилган бўлиши лозим. Математика фани дафтари муқовасида аниқ ва табиий фанлар тараққиётига ҳисса қўшган алломалар, олимлар, фан арбобларининг тасдиқланган портретлари, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тасдиқланган маълумотлар, ҳикматли сўзлар, муқованинг 4-бетида Пифагор жадвали, муаммоли топшириқлар, чизмалар, оғирлик ва узунлик ўлчовлари, мисол ва масалалар ечимига оид намуналарнинг бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, муқованинг 4-бетида кимё фани учун Пифагор даврий жадвали, физика фани учун физик қонулар, тарих фани учун тарихий саналар, меъморий обидалар, тарихий шахслар келтирилган дафтарлардан фойдаланиш тавсия этилади. Мактаб ўқувчиларининг умумий дафтар, расм дафтари, альбом ва кундалик рейтинг дафтарлари муқовалари ва ташқи безатилиши ҳам юқоридаги талабларга мос бўлиши лозим. Бу борада ота-оналарнинг эътибори ва ҳушёрлиги муҳимдир.

ЎҚУВЧИ ДАФТАРИ:


МУАММО ВА ЕЧИМ



албатта, уни сотиб олишмаган бўларди. **Ота-онанинг эътиборсизлиги ёки ўқитувчининг дафтарлар борасидаги давлат талабларини яхши билмаслиги оқибатида болада турли аллергия касалликлар келиб чиқиши мумкин.** Бугун оммавий ахборот воситаларида бонг уриладиган мавзулардан бири ҳам дафтарлар мавзуси бўлиб қолганлиги бежизга эмас. **Қоғоз таркибида фенол, формальдегид ва оғир металллар каби кимёвий моддалар меъёридан ошиб кетса, бу ўқувчи саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Фенол ва формальдегид энг кучли аллергонлар ҳисобланиб, болада дастлаб аксирини, қисқа йўтал, терининг ачишиши ва қизариши, кўз ёшланиши, қизил тошмалар топиши кузатилади. Бундай пайтда дарҳол шифокорга мурожаат қилинмаса, касаллик чуқурлашиши ва жиддий асоратларга сабаб бўлиши мумкин.**

Кўп ҳолларда бу касалликнинг сабабини боланинг кундалик овқатланиш рационидан ёки бошқа омиллардан излаймиз. Фарзандимизнинг кун давомида бирга бўлаётган ўқув қуроллари эса ҳаёлимизга ҳам келмайди.

Шунингдек, дафтар чизиқлари ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, дафтарнинг асосий чизиқлари бинафша, кўк, қора, зангори (ҳаво ранг), кулранг бўлиши керак. Ён ҳошия чизиғи учун қизил ранг тавсия этилади. Биринчи синф учун дафтарларнинг асосий чизиғи қора рангда бўлишига йўл қўйилмайди. Чунки бу боланинг диққатини ўзига тортади ва ўз ўрнида унинг кўзига таъсир кўрсатади, дарсдан чалғитади. Дафтар танлашда биринчи синф ўқувчилари дафтарларига алоҳида эътибор билан ёндашиш муҳим. Биз 1-синф катак дафтарларининг одатдаги катак ҳажми 5x5 ўлчамлилари ўрнига 7x7 ўлчамли дафтарларни тавсия қилган эдик. Бироқ ота-оналар бу тавсияга ҳам камдан-



Эминем, 2та Шакира беринг. Яна...

Ёнимдаги қизнинг ажабтовур гаплари диққатимни тортди. Қанақа Бритни Спирс, қанақа Эминем ҳақида гапиряпти? Харидор қизни зимдан кузата бошладим. Чамаси 50 ёшларни қоралаб қолган сотувчи амаки бир талай хонандаларнинг сурати туширилган дафтарларни қизга узатди. Қизалоқ уларни қўлига олдида, муқовадан бошқа варақларни текшириб ҳам кўрмасдан бу ердан узоклашди.

Шу ўринда масаланинг яна бир муаммоли жиҳати эътиборингизни қаратмоқчимиз. Бу — хориждан кириб келаётган дафтарларнинг ўқувчилар онгига кўрсатаётган маънавий зараридир. Бугун ўқувчилар фойдаланаётган дафтарлар муқовасини турли автомобиллар, миллий маданиятимизга зид бўлган фильм ва мультфильм қаҳрамонлари, санъаткорлар (айнан ёшлар)нинг суратлари эгаллаган. **Психологларнинг фикрича, бундай**

Фарзанд тарбияси ва унинг саломатлигини асраш мураккаб жараён. Унда биз учун арзимасдек туюлган нарсаалар аслида муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб айтмоқчи бўлганимиз, дафтар танлашда шошилманг. Уларни фарзандингизга салбий таъсир кўрсатмаслигига ишонч ҳосил қилгачгина харид қилинг. Зеро, бола тарбияси ва саломатлиги дунёнинг энг бебаҳо нарсаларидан-да қимматлироқдир.

Башорат ОТАЖОНОВА, «Ma'rifat» мухбири

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПО-МАРКАЗ» ПАВИЛЬОНЛАРИДА 26 ОКТАБРЬ КУНИ IV ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖА ИШ БОШЛАДИ.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг асосий вазифаси хўжалик субъектларига ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар ўртасида шартномалар тузишга кўмаклашишдан иборат.

Бугун ниҳоясига етадиган ярмаркада республикамиз саноатининг етакчи тармоқлари ва қорхоналари томонидан ишлаб чиқариш секторлари бўйича жами 6000дан ортиқ экспонат, хусусан жорий йилда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган 300 турдан ортиқ маҳсулот намойиш этилмоқда.

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУХБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этдилар. Давра суҳбатида мамлакатимизнинг халқаро алоқалари, жумладан, БМТ билан ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётгани таъкидланди.

ТОШКЕНТДА ПЕДИАТРИЯДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШНИНГ САМАРАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БўЛИБ ўТДИ.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда тиббий илмий марказлар, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ҳамда соҳа ходимлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

БУХОРОДА «АЁЛ: ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДЕБ НОМЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН ўТКАЗИЛДИ.

Унда мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилганлиги эътироф этилиб, жамиятда аёллар ролини ошириш, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Шунингдек, Марказий Осиё тадбиркор аёллар уюшмалари тармоғи вакилларининг учрашуви ва хунарманд аёллар тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ўтказилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҚўШКўПИР ТУМАНИДА ЯНГИ ДЕХҚОН БОЗОРИ ИШГА ТУШДИ.

Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган ушбу бозорда 100га яқин савдо расталари, 26та савдо дўкони ва 10га яқин маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият кўрсата бошлади. Мазкур бозор вилоятда шу йили таъмирланиб, янги кўринишга эга бўлган тўртинчи бозордир.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА «ХОРИЖИЙ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ ВА АДАБИЙ МАНБАШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН БўЛИБ ўТДИ.

Унда юртимиз олимларидан ташқари Хиндистон, Озарбойжон ва Россиядан келган мутахассислар ҳам иштирок этди. Анжуман иши «Шарқ мумтоз адабиёти масалалари» ва «Замонавий Шарқ адабиёти масалалари» шўбаларида давом этди.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ХУДУДЛАРИДАГИ УЧ МИНГДАН ЗИЁД ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАРДА МАВЖУД КАРДИОЛОГИЯ ХОНАЛАРИДА ХАЛҚИМИЗГА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИЛМОҚДА.

Пойтахтимизда юрак қон-томир касалликларининг профилактикаси, диагностикаси ва даволаш стратегиясини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманда шу хусусда алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Кардиологлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россия, Қозғистон, Туркменистон, Хиндистон, Нидерландия, Туркия ва бошқа давлатлардан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Анжуманда юртимизда аҳолига кардиология хизмати кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, юрак қон-томир касалликларини даволаш-профилактика ишларида қўлланилаётган янги технологиялар, кардиологияда профилактика, диагностика ва даволаш ишларини янада такомиллаштириш каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.



БУХОРО ВПҚТМОИДА ўТКАЗИЛГАН «БАРҚАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА «МЕХНАТ ТАЪЛИМИ БўЙИЧА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ўқув ДАСТУРИНИ МАКТАБ АМАЛИЁТИГА ТАТБИҚ ЭТИШ — ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНГИ СИФАТ ДАРАЖАСИГА КўТАРИШ ОМИЛИ» МАВЗУИДАГИ СЕМИНАРДА ИНСТИТУТНИНГ МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ФАНИ КУРСИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ, ШАҲАР, ТУМАН ХТБЛАРИНИНГ МАЗКУР ФАН БўЙИЧА МЕТОДИСТЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Семинарда, асосан, умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш ва бу борадаги илғор педагогик тажрибалар, услубларни оммалаштиришга асосий эътибор қаратилди. Жумладан, Бухоро шаҳридаги 23-мактаб ўқитувчиси Х.Негматова, Ромитан туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Б.Шарипов, 29-мактаб ўқитувчиси М.Назарова, Қогон шаҳридаги 7-мактаб ўқитувчиси Т. Набиев, Бухоро шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси М.Нарзиев меҳнат таълими фанини ўқитиш сифатини ошириш бўйича тўплаган тажрибалари ҳақида батафсил тўхталиб, муаммолар хусусида фикр-мулоҳазалар алмашдилар.

Институтнинг меҳнат таълими, тасвирий санъат, чизмачилик, мусиқа ва жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси Ж.Фахриев ўқувчилар билимини янги рейтинг тизимида баҳолаш масалалари ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Сора ТОШЕВА

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ ўЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА «ШАХС ВА ЖАМИЯТ» ФАНИНИ ўқИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МАВЗУИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БўЛИБ ўТДИ.

Анжуманининг ялпи мажлисини Олий педагогика институти директори Шамсиддин Шаропов очар экан, илмий изланишлар кўлами кенгайгани, шунга яраша ютуқлар сони ошганини алоҳида таъкидлади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази вакили Нурмурод Чинниқулов ва ХҚХК Марказий Осиёдаги Минтақавий ваколатхонаси ахборот, юридик ва таълим дастурлари бўлими бошлиғи Сергей Беляев ҳам қатнашчиларнинг илм йўлидаги изланишлари таҳсинга лойиқ эканлигини айтиб ўтишди.

Шундан сўнг иштирокчилар «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида «Шахс ва жамият» фани ўқитилишининг долзарб масалалари», «Педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи бўйича таълим беришнинг илмий педагогик асослари», «Узлуксиз таълим ва унинг мазмунини инсонпарварлаштириш масалалари» каби йўналишларга бўлинган ҳолда баҳс-мунозара олиб боришди.

Тадбирнинг иккинчи кунда амалий семинар машғулотлари давом эттирилди. Машғулот якунида ўртага ташланган таклифлар инobatга олиниб тавсиялар ишлаб чиқилди, келажакдаги вазифалар белгилаб олинди.

Анвар ҚОБИЛОВ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 63-МАКТАБГА ТАНИҚЛИ БОЛАЛАР ШОИРИ ТУРСУНБОЙ АДАШБОВЕ ВА ЁШ ШОИР БЕҲЗОД ФАЗЛИДДИН ТАШРИФ БУЮРДИ.

Дастлаб ижодкорлар болалик йиллари, ижод ва адабиётга меҳр қўйган пайтларини ёдга олиб, устозлари ҳақида гапиришди, ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, табиат, эл-юртга муҳаббат мавзуларидаги шеърларидан, турли пародияларидан ўқиб беришди.

— Бугунги адабий учрашувга «Табиат — маънавият — шеърят» деб мавзу танлашимиз бежиз эмас, — дейди она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Лобар Расулова. — Негаки, маънавияти юксак, шеърятга ошно дилда она-Ватан, ота-она ва табиатга ҳам меҳр-муҳаббат шаклланиб боради. Мактабимизга ташриф буюрган ижодкорларимизнинг турли мавзудаги шеърлари ўқувчиларимизда ана шу муҳаббат туйғуларини янада оширгани билан аҳамиятлидир.

Тадбир сўнгида фаол иштирок этган ўғил-қизлар ва мактаб кутубхонасига шоирлар китобларидан тақдим этишди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

УНИВЕРСИТЕТИМИЗДА «НИҲОЛ» АДАБИЙ-БАДИИЙ ТўГАРАГИ ўЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ. ўЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИДА БУ ТўГАРАКНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ АДАБИЁТГА МЕХР ҚўЙГАН, ОЗМИ-КўПМИ ИЖОД ҚИЛИБ, ИНСОННИНГ ИЧКИ КЕЧИНМАЛАРИНИ, ҲАЁТНИНГ СИР-У СИНОАТЛАРИНИ ЖОЗИБАДОР СўЗЛАР ВОСИТАСИДА ТАСВИРЛАШГА УРИНАЁТГАН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР УЧУН АЙНИ МУДДАО БўЛДИ.

Адабиёт инсоннинг бадий дидини ўстирибгина қолмай, унинг билим доираси кенгайишига ҳам хизмат қилади. Тўгаракка ўзбек филологияси ҳамда журналистика факультетининг биринчи ва иккинчи босқичларида таҳсил олаётган 30 нафарга яқин талаба аъзо бўлди. Ижодий гуруҳ раҳбари Олим Тўрабоев ҳамда талабалар ҳар уч ҳафтада таниқли адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар билан ижодий кеча уюштириш, ўзларининг машқларини кўпчилик бўлиб таҳлил қилиш ва бу борада меҳмонларнинг фикр-мулоҳазаларини билишга, қўлёзмаларни газета ва журналларда чоп этиришга, шу билан бир қаторда интернетда ҳам ўз саҳифаларини ташкил этишга келишиб олишди.

Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎзМУ талабаси

Kimyo fani nazariy bilimlar qatori amaliy ko'nikmalarni ham talab etadi. Bunda har bir mavzuning laboratoriya mashg'ulotlari asosida mustahkamlanishi o'quvchilar o'zlashtirish samaradorligini ta'minlaydi. Bu, ayniqsa, ayrim murakkab mavzularni o'tishda muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, kimyo fanini chuqur egallashda dars usullarini o'quvchilarning yosh xususiyatlariga mos qilib tanlash muhim.

Quyida 7-sinf o'quv dasturidan o'rin olgan o'zlashtirilishi murakkabroq hisoblangan "Massaning saqlanish qonuni" mavzusida namunaviy dars ishlanmasini e'tiboringizga havola etamiz.

Mavzu: Massaning saqlanish qonuni (II chorak, 20-dars).

Darsning maqsad va vazifalari:

Maqsad: o'quvchilarga tabiatning asosiy qonuni — materiya va harakatning saqlanish qonuni asosida moddalar massasining saqlanish qonuni, har bir atomning massasi kimyoviy reaksiyalarda o'zgarishsiz qolishi haqidagi bilimlarni berish.

Vazifalar: massaning saqlanish qonuni mavzusi asosida kundalik hayotda uchraydigan hodisalarni idrok etish orqali bilim va ko'nikmalarni shakllantirish. Mavzuni tushuntirish asosida o'quvchilarning mustaqil fikr yuritish qobiliyatini rivojlantirish.

Uslub: "Aqliy hujum", "Tajribalar o'tkazish".

Shakl: savol-javob, jamoa va yakka tartibda ishlash.

Vosita: mavzuga doir tarqatma savol-topshiriqlar, massaning saqlanish qonunini namoyish etish asbobi (teng yelkanli shayin — 1ta, shayin uchun ilmoqlar 3ta, rezina tiqinli va osma halqali Landolt idishi — 1ta, 1ta osma halqali kosacha, og'irlikka qarshi kukun — 100 g.) kimyoviy jihozlar va moddalar (pipetka, rezina tiqin, quruq yonilg'i-urotropin, bariy xloridning 10 foizli eritmasi, sulfat kislotaning 10 foizli eritmasi yoki qizil fosfor — 1 g. miqdorida)

Nazorat: savol-javob, test sinovi o'tkazish.

Baholash: rag'batlantirish, baholash.

Kutilayotgan natijalar: mavzu belgilangan vaqt ichida barcha o'quvchilar tomonidan o'zlashtiriladi. O'quvchilarning darsda faolligi, fanga nisbatan qiziqishi oshadi. Tajribalar o'tkazish bilan barcha o'quvchilarga berilgan nazariy bilimlar tajribalar asosida mustahkamlanadi. O'quvchilar kundalik hayotda ishlatiladigan moddalarning kimyoviy xossalari bilan tanishadilar, mavzuga oid amaliy mashg'ulotlarni mustaqil bajardilar, savol va javob berishga o'rgatiladi. Mavzu yuzasidan yangi bilimga ega bo'ladi. Guruhlar bilan ishlashni o'rganadilar.

Dars rejasi:

1. O'qituvchining kirish so'zi (2 daqiqa).
2. Uyga berilgan "Tarkibning doimiyligi qonuni" mavzusiga oid bilimlarni tekshirish (5 daqiqa).
3. O'quvchilar bilimni tekshirish ("Aqliy gimnastika" savollari, xotira mashqi orqali oldingi o'tilgan mavzuni mustahkamlash — 4 daqiqa).
4. Yangi mavzu bayoni.

O'qituvchining kichik ma'ruzasi (5 daqiqa).

5. Mavzuni laboratoriya ishini bajarish bilan tushuntirish (15 daqiqa).

6. Mavzuni mustahkamlash (5 daqiqa).

7. O'quvchilarni rag'batlantirish, baholash (2 daqiqa).

8. Uyga vazifa berish (2 daqiqa).

1. Darsning tashkil etilishi:

MURAKKAB MAVZU

uni o'qitishda nimalarga e'tibor qaratish lozim?

a) salomlashish, davomatni aniqlash;

b) o'quvchilarni darsga hozirlab, jonli muhit yaratish.

2. Uyga berilgan "Tarkibning doimiyligi qonuni" mavzusiga oid bilimlarni tekshirish.

O'qituvchi tomonidan "Tarkibning doimiyligi qonuni" mavzusiga doir tayyorlangan qisqa savollar beriladi:

1. Tarkibning doimiyligi qanday tushuntirish mumkin?

2. Suvning sifat va miqdoriy tarkibi qanday?

3. Abu Ali ibn Sino "Tib qonunlari" asarida tarkibning doimiyligi haqida qanday tushunchalar bayon qilgan?

O'qituvchi tomonidan har bir savolga javob olishda berilgan javoblar to'g'ri-noto'g'riligi izohlab boriladi.

3. O'quvchilar bilimni tekshirish ("Aqliy gimnastika" savollari orqali xotirani sinash).

1-savol: Suv va vodorod peroksid qanday moddalardan tashkil topgan va ularning farqi qanday izohlanadi?

2-savol: Uglrod (II)-oksid va uglrod (IV)-oksid qanday tarkibli birikmalar?

3-savol: Temir (II)-oksid va temir (III)-oksidning farqi nimada?

4. Yangi mavzu bayoni

1) O'qituvchining ma'ruzasi
Tabiatdagi har qanday modda izsiz yo'qolmaydi. Ko'plab kimyoviy reaksiyalarning amalga oshish shart-sharoitlari o'rganilganida reaksiyaga kirishayotgan moddalar massasi reaksiya mahsulotlari massasiga miqdoran teng bo'lishi aniqlangan. Bu kabi hodisalarni ulug' ajdodlarimiz Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino va boshqa mutafakkirlar tajriba xonalarida olib borilgan qizdirish ishlarida kuzatishgan. 1748-yili rus olimi

M.B.Lomonosov ham tajriba olib borib, bu hodisani izohlashga harakat qilgan. 1772—1789-yillarda fransuz olimi A.Lavuaze ham yopiq idishda olib borgan tajribalarida umumiy massa o'zgarmasligini kuzatgan va bu o'ziga xos yaniglik yangi qonun ekanligini tushunib yetgan. Shunday qilib, tabiatning asosiy qonunlaridan biri massaning saqlanish qonuni ochilgan:

Kimyoviy reaksiyaga kirishayotgan moddalarning umumiy massasi reaksiya mahsulotlari umumiy massasiga teng.

A.Lavuaze bu qonun asosida muhim xulosa chiqarib, reaksiyada qatnashayotgan har bir element atom massasi reaksiya davomida o'zgarmasligini ta'kidlagan. Bu esa kimyoviy reaksiyada bir element atomining boshqa element atomiga aylanib ketmasligini bildiradi...

ning og'irligi saqlanganligi aniqlanadi.

Tajriba yordamida kimyoviy reaksiyaga kirishayotgan moddalarning umumiy massasi reaksiya mahsulotlari umumiy massasiga tengligi isbotlanadi.

2-tajriba. Landolt idishi bo'lmalardan biriga 1 g. qizil fosfor solinib, idish og'zi rezina tiqin bilan berkitiladi va muvozanat yuzaga kelgunicha kosachaga kukun solinadi. Landolt idishi quruq yonuvchi (urotropin) yordamida qizdiriladi. Landolt idishi ichida reaksiya borishi kuzatiladi va natijada oq bug' ko'rinishida fosfor (V)-oksid hosil bo'ladi.

Maktab laboratoriyasidagi imkoniyatdan kelib chiqib berilgan tajribaning bittasini bajarish ham mumkin.

Xulosa: ushbu qonun biz tabiatda nafaqat iste'molchi,

Bir soatlik dars

birgalikda o'quv laboratoriya tajribasidan foydalanish holda ularga yetkazib bersa, ushbu dars yuqori samara berishi va o'quvchilar bilimida bo'shliq hosil bo'lmasligiga erishiladi.

6. Mavzuni mustahkamlash. O'tilgan yangi mavzu o'qituvchining o'quvchilarga bergan ma'lumotlariga asoslanib, topshiriqlar bo'yicha mustahkamlanadi. Buning uchun qisqa muddatli test sinovi o'tkazilishi ham yaxshi samara beradi.

Test savollari:

1. Massaning saqlanish qonunini tajribada namoyish etish uchun qaysi moddalardan foydalanildi?

- A) NaCl, KOH;
- B) BaCl₂, H₂SO₄
- C) HCl, BaSO₄
- D) NaOH, KCl.

2. Fransuz olimi A.Lavuaze massaning saqlanish qonunini aniqlash uchun nechanchi yillar davomida tajribalar o'tkazgan?

- A) 1772-1789
- B) 1748-1749
- C) 1799-1800
- D) 1750-1754

3. O'tkazilgan massaning saqlanish qonunini isbotlovchi birinchi tajriba natijasida idishning o'ng bo'lmasida qanday modda hosil bo'ldi?

- A) Ko'k rangli eritma
- B) Rangsiz eritma
- C) Oq rangli cho'kma
- D) Qora rangli cho'kma.

7. O'quvchilarni rag'batlantirish va baholash.

Dars yakunida uyga berilgan vazifa yuzasidan olingan javoblar va faol qatnashgan o'quvchilar rag'batlantiriladi va ballari e'lon qilinadi.

8. Uyga vazifa: darslikda berilgan "Massaning saqlanish qonuni" mavzusi, shu mavzuga taalluqli savol-topshiriqlar va o'tkazilgan tajriba yuzasidan hisobot tayyorlab kelish.

Hisobot yozish shakli quyidagicha tartibda bajarilishi doskada beriladi.

O'tkazilgan laboratoriya ishi bo'yicha hisobot

Kerakli jihozlar	Ishning borishi	Reaksiya tenglamasi	Xulosa
Teng yelkanli shayin — 1ta, shayin uchun ilmoqlar — 3ta, rezina tiqinli va osma halqali Landolt idishi — 1ta, osma halqali kosacha — 1ta, og'irlikka qarshi kukun — 100 g., kimyoviy jihozlar va moddalar (pipetka, rezina tiqin, quruq yonilg'i-urotropin, bariy xloridning 10 foizli eritmasi, sulfat kislotaning 10 foizli eritmasi yoki qizil fosfor — 1 g.)	1. Landolt idishining chap tomoniga BaCl ₂ — 10 foizli eritmasidan 2 ml., o'ng tomoniga H ₂ SO ₄ eritmasidan 2 ml. quyiladi. 2. Og'zi berkitiladi. 3. Muvozanatni yuzaga keltiruvchi kosachaga kukun solinib, muvozanat yuzaga keltiriladi. 4. Landolt asbobining chap tomonidagi moddaning o'ng tomoniga o'tishi uchun idish o'ng tomonga engashtiriladi. 5. Natijada oq rangli cho'kma hosil bo'ladi. 6. Moddalar og'irligi o'lchanadi.	BaCl ₂ + H ₂ SO ₄ = BaSO ₄ + 2HCl	Oq rangli cho'kma hosil bo'ladi.

G. SHOISAYEVA,
Respublika ta'lim markazi
Tabiiy fanlar bo'limi kimyo fani metodisti

Элвира педагоглар сулоласининг бир вакиласи. Унинг болалиги ҳам ўқитувчиларнинг фарзандлари даврасида ўтган. Уйларида аммалари-ю холалари жам бўлишганда онаси, албатта, мактаб ишидан гап очар, беихтиёр суҳбат мавзуси ўқиш ва ўқитиш бобидаги ютуқ ва муаммоларга улашиб кетарди. Бу самимий гурунлар муаллималарнинг тажриба алмашувию, бир-биридан ўрганиш ва ўргатиш сабоқлари экани гарчанд алоҳида эътироф этилмаса-да, ҳаммалари буни ҳис этиб туришар, бундайин йиғинлардан

сифатида қатор ижобий ишларнинг амалга оширилишига бош бўлмоқда. Илмий маърузалари билан турли анжуманларда иштирок этаяпти. Яқинда қахрамонимиз изланишларининг самараси сифатида «Сиз инглиз тилини биласизми?», «Куч билимда» илмий қўлланмаларини чоп эттирди. Унга устози, филология фанлари номзоди Қўйсин Тўхтаева яқиндан ёрдам бермоқда.

— Мазкур уринишларим вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан маъқулланди, — дейди Элвира Турсунназа-

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi



"МЕН ЎҚИТУВЧИ БЎЛАМАН"

касб танлаш борасида Элвиранинг мактабда қилган қарори тобора қатъийлашмоқда

сўнг касблари сир-синоатларининг қайсидир уқилмаган саҳифаларини варақлагандай бўлишарди. Оналари дars, китоб, деб турса, болалари узоққа кетармиди, дерсиз?! Улар ҳам бirlashib, «Maktab-maktab» ўйинини бoshlab юборишарди. Бундай кезлари Элвира, албатта, «синф»ни ўзига қаратар, у ўқитувчи-ю, тенгдошу хиянлари ўқувчига айла-нишарди...

Болалигида уйғонган бу истеъдод унинг ўқувчилик, талабалик йилларида ҳам кўзга ташланиб турди. Мактабда ўқиб юрган кезлари ҳеч бир тадбир унинг иштироки-сиз ўтмас, жамоат ишларига жон куйдирарди. Ташаббускор қизнинг зукколиги ва билимдонлиги бугун у таҳсил олаётган Навоий давлат педагогика институти жамоаси томонидан ҳам тан олинди. Элвира барча фанлардан аъло ўқиш билан бирга, хорижий тиллар факультетининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси

рова. — Маълумки, биз бўлажак ўқитувчилар мактабларда амалий машғулотлар ўтказамиз. Шу жараёнда англадимки, ўқувчиларга хорижий тилларни ўргатиш турли ўйинлар орқали амалга оширилса, яхши натижа беради. Илмий изланишларимда шу масалага эътибор қаратаётман. Дейлик, уларнинг фикрлаш қобилияти, ёзма ва оғзаки нутқларини бойитиш мақсадида тайёрлаган машғулот ишларимда бир вариантда савол берилса, иккинчи вариантни бажарган ўқувчи унинг жавобини топади. Масалан, А. дарсдан кечикмаган бўларди, қачонки... Б. вақтида уйғотувчи соатни жиринглаш учун қўйишни унутмаганида! Бу каби машқларни бажариш давомида ўқувчи ўзи билмаган сўзларни луғат ёрдамида ўрганиши, сўзларга қўшимчалар қўйиш, гапларни гапларга улаш каби машқлар давомида синфдошлари билан баҳсга киришиши, ўзида мустақил мушоҳада юрийтиш

қўникмаларини шакллантириши мумкин. Грамматик топишмоқлар эса хотираларини чархлаб, ақллари пешлайди.

Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлган талаба қизнинг ҳавас қилса арзигулик яна бир хислати бор. У турли хорижий тилларни ўрганишга астойдил киришган. Ўзи гарчанд инглиз тили муаллимаси бўлиш орзусида бўлса-да, француз, испан тилларига ҳам меҳри баланд...

— Тил ўрганиш орқали ўзга мамлакатларнинг маданияти, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарини ўрганишга жуда қизиқаман, — дея суҳбатимизни давом эттиради Элвира. — Менинг яна бир ниятим таржимонлик соҳасига ҳам қўл уриш. Мамлакатимизда олам аҳлига кўз-қўз қилишга, арзигулик маънавий меросимиз, тарихий обидаларимиз, муқаддас қадамжоларимиз жуда кўп. Хорижий сайёҳларга ҳамроҳлик қилиб, улар ҳақида тўлақонли маълумот бергим, қадри-

ятларимизнинг нечоғли муқаддас ва бардавомлиги хусусида бир фарзанд сифатида ифтихор билан сўзлагим келади. Албатта, бунинг учун Ватанимизнинг узоқ ўтмиши, бугунги тараққиёти, аънава ва удумлари, моддий, маданий ва маънавий бойликлари, табобат ва наботот олами, иқлими, географияси ҳақидаги билимларни эгаллашим жоиз. Бизнинг камолотимизга ҳукумат миқёсида эътибор қаратилаётган экан, барча имкониятларимизни ишга солишга бурчдоримиз.

Элвира бугуннинг бахтиёр ёшлари қатори ана шундай орзу-умидлар, катта мақсадлар билан яшамоқда. Унинг ҳаётда ўз шиори бор: худди онасидек эл хурматиға муносиб бўлган устоз даражасига етиш. У бу йўлда ҳамиша ўзига, иродасига ишонади, суянади. Муаммоларни четлаб ўтишга уринмай, уларни бартараф этишга, енгилга ўзида куч топа олади.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ЯНГИ ҚОНУН МОҲИЯТИ:

уни ўқитувчи-мураббийлар яхши англаши керак

Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 29 сентябрь куни қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ўқувчи-ёшлар ўртасида жиноячиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаш, тарбияси оғир болалар билан ишлаш тартибини янада мукаммаллаштиришга қаратилган. Айни

ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда ўқитувчи-мураббийлар нималарга эътибор бериши зарурлиги, бу ишда коллеж ва ички ишлар органлари, шунингдек, ота-оналар ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни қай тартибда амалга ошириш кераклиги ҳақида гапирди. Хусусан, янги қонун вояга етмаганлар, яъни ўқувчиларнинг қаровсизлигига, улар то-

қунда жойларда янги қонуннинг моҳиятини, ундан **Tadbir** ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайрикўзланган мақсадларни ўқитувчи ва мураббийларга атрофлича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Чунончи, ана шундай тадбирлардан бири Сергели энгил саноат ва сервис касбуна қоллежида ўтказилди.

Тадбир мазкур таълим даргоҳи билан туман прокуратураси томонидан ташкил этилган бўлиб, унда тумандаги касб-хуна қоллежлари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари иштирок этди. Бундан ташқари, мазкур коллеж ўқувчилари ҳам учрашувда фаол қатнашди. Тадбирда туман прокурори Қахрамон Тўйчиев, прокурор ёрдамчиси Нафиса Рустамова ва вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси котиби Фаина Сотникова сўзга чиқиб, ўқувчилар

монидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайрикўзланган мақсадларни ўқитувчи ва мураббийлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чоратадбирлар тизимини яратиши таъкидланди.

— Бу тадбирни яқиндагина ёзувчи Тоҳир Малик билан бўлиб ўтган учрашувнинг давоми дейиш мумкин, — дейди мазкур коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Соҳиба Нуралиева. — Унда ҳам бугун кўтариб чиқилган масалаларга тўхталиниб, ўқувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотган «Алвидо, болалик» асаридagi сюжетлар тўғрисида гапириб берилган эди. Бу каби тадбир ва учрашувларни кўпроқ ўтказсак, ўқувчилар қонунлар ва жавобгарлик тўғрисида керакли хулосаларга эга бўлади.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim va tarbiya berishda so'z o'yinlarining ahamiyati katta. Quyida tavsiya qilinayotgan "So'zni tugat" didaktik o'yini tarbiyalanuvchi yoki farzandingizning so'z boyligi, fikrlash qobiliyati hamda mantiqiy xulosa chiqarish ko'nikmasini rivojlantirish bilan birga ekologiya mavzusiga oid bilimlarini mustahkamlashda ham sizga yordam beradi. Uni istalgan joyda — guruh xonasida, zalda, maydonchada, dalada o'tkazish mumkin.

Bu qachon bo'ladi?

Tashqarida gupillab qor yog'moqda... (qishda)

Osmonda chiroyli kamalak paydo bo'ldi... (bahorda)

Daraxtlarning barglari sariq, qizil, qizg'ish tus oldi... (kuzda)

Qaldirg'och in qurmoqda... (bahorda)

Bolalar maza qilib cho'milmoqdalar... (yozda)

Tabiatda nima doira shaklida bo'ladi? (Quyosh, oy, olma...)

O'YIN BILIMGA ROYDEVOR

Tabiatda nima sariq rangda bo'ladi? (Moychekchak, limon, nok...)

Uchinchisi nima? O'yini esa bolada mavzu mohiyatini anglash qobiliyatini o'stirishga xizmat qiladi. Tarbiyachi ikkita predmetning nomini aytadi, uchinchisini bola topishi lozim.

Moychekchak,
lola... (atirgul)

Qarg'a,
chumchuq... (qaldirqoch)

Tol, qayrag'och... (terak)

Quyosh, bulut... (kamalak)

Gul, barg... (ildiz)

Quyidagi «**Bu nima?**» va «**Bir so'z bilan izohla**» o'yinlari asosida hayvonot va o'simlik olami haqidagi tushunchalarni shakllantirish ko'zda tutilgan.

Bu nima?

Tarbiyachi o'simlik yoki hayvonning nomini, bola esa ularning umumiy nomini aytadi.

Chumchuq... (qush)

Ayiq... (hayvon)

Archa... (daraxt)

Olma... (meva)

Bir so'z bilan

izohla!

Yo'lbars, timsoh,

it... (yirtqichlar)

It, mushuk, sigir... (uy hayvonlari)

Ruchka, kitob, daftar... (o'quv quollari)

Zilzila, yomg'ir, kamalak... (tabiat hodisasi)

Kartochkalarda turli xil jonivorlar, qushlar rasmi tasvirlangan. Ularni ko'rsatganda

nomlarini emas, ovozlarga taqlid qilish taklif qilinadi:

It (vovullaydi).

Mushuk (miyovlaydi).

Chumchuq (chirqillaydi).

Ari (vizillaydi).

Ot (kishnaydi).

Baliq (ovoz chiqarmaydi).

Bu kimning bolasi?

Tuyaning bolasi... (bo'taloq).

Mushukning bolasi... (mushukcha).

Sigirning bolasi... (buzoqcha).

Qo'yning bolasi... (qo'zichoq).

Echkingning bolasi... (uloqcha).

Kim qayerda yashaydi?

Bolalarga turli xil uychalarning rasmi va hayvonlarning surati ko'rsatiladi. Ularning bilimi «Hayvonlarga o'z uylarini topib ber!» topshirig'i bo'yicha sinab ko'riladi.

Kim qanday harakatlanadi?

Qushlar... (uchadi).

Baliq... (suzadi).

Quyvon... (chopadi).

Chumchuq... (sakraydi).

Dinora MUHITDINOVA,
MMXQTMORO'MM metodisti

Айни пайтда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, ёшларимиз билимли, зукко ва кенг тафаккурли бўлиб вояга етмоқда. Бой тарихимиз, халқимизнинг моддий ва маънавий мероси намуналари, мустақиллик шарофати билан қайта тикланган кўплаб қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш уларнинг маънавиятини янада юксалтиришида муҳим омилдир. Ҳолбуки, қадимдан шаклланиб келган бу қадриятлар замирида ўзига хос илмийлик, чуқур билим ва тафаккур мавжуд. Уларга айниқса, қадимда халқ орасида омалашган мақол, ҳикматли сўзлар, иборалар мазмунини ўргатиш ҳам самара беради.

Халқимиз орасида «Синч уйим, тинч уйим» деган мақол бор. Хўш, бу мақолни таҳлил этиш орқали ўқитувчи ўқувчида қандай билим ва кўникмаларни шакллантириши мумкин? Албатта, бунда ўқитувчининг ҳаётий мисолларга бой мулоҳазалари муҳим аҳамият касб этади.

Аждодларимиз қадимдан табиат ҳодисаларига қарши мустаҳкам иморатлар қуришга алоҳида эътибор қаратган. Бунда ота-боболаримиз кўпроқ синч уйлардан фойдаланишган. Чунки, синч уйлар пахса деворли уйга нисбатан анча хавфсиз ва мустаҳкам бўлган. Уша даврларда иморат мустаҳкамлигини ошириш ва ер силкиниши пайтида қулаб кетмаслиги учун ёғоч ва тахталар бир-бири-

га ўйиб ишланган. Бу эса юз бериши мумкин бўлган ҳар икки турдаги: горизонтал(ёнлама) ҳамда вертикал(тик) кўринишдаги зилзилаларга бардош берган.

Ўқитувчи шу каби мақоллар орқали халқимизда азалдан ўтроқ ҳаёт кечириш, фарзандларини уйлантириб, уйли-жойли қилиш каби одатлар қадрият даражасига бўлганлигини ўқувчилар онгига сингдириши мақсада мувофиқ.

Зотан, бугун ҳам ушбу анъана давом этиб, янги

монидан айтилиб, амал қилиб келинган, панд-насихат, ўғит ва чақирув хусусиятига эга бўлган иборалар ҳам борки, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ёшларга тушунтириб берилса, бу каби иборани юз марта қайтаргандан самаралироқдир. Масалан, «Сувга тупурма» ёки «Сувга тупуриш мумкин эмас» деган чақирув хусусиятига эга бўлган ўғит қадимдан ишлатилиб келинади. Бу шунчаки айтилган эмас. Унинг моҳияти «Авесто» зарварақ-

ни шакллантиради. Жумладан, фалсафа фанлари доктори Қ.Назаров айрим халқларнинг меҳмонни қандай кутиб олиши ҳақида шундай ёзади: «...бир халқда меҳмон келиши билан дастурхон безатилса, доимо шамол эсавергани ва қумлар овқатга зарар етказиши мумкинлигини ҳисобга оладиган бошқа саҳройи халқларда эса меҳмон ижозат бермагунча дастурхон очилмайди...». Бу эса шу халқларнинг ўзига хос одатига, қадриятига айланган.

Moziydan sado

Юқорида келтирилган мисодлар орқали нималарга эриша оламиз? Бизнингча, бу:

— ёшларда табиатга, она заминга нисбатан ҳурмат ҳиссининг пайдо бўлишига;

— қадриятларимизнинг янада улуғланишига;

— унинг илмий асосларини янада кенгроқ очиш билан ота-боболаримизнинг умуминсоний қадриятлар ривожига қўшиб келаётган ҳиссасини англаб етишга;

— бир замонлар йўқ бўлиб кетган қадриятларимизнинг қайта тикланишига;

— ёшларнинг сабрли, қаноатли, оғир ва босиқ, мушоҳадали бўлишига;

— ёшларнинг атроф-муҳитни англаб етиш учун илмий ёндашишларига;

— тарихимизга нисбатан фахр ва гурур ҳиссининг янада ортишига олиб келади.

Юқорида халқимиз орасида қўлланилиб келинган мақол ва ибора шаклида намён бўлган қадриятларимизни таҳлил этдик, холос. Биз бундай азалий эзгу одатларимизни ёшларга кўпроқ сингдирсак, баркамол авлод тарбиясида қатор ютуқларга эришишимиз, шубҳасиз.

Абдували НОРБОВЕВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси,
Феруза КОДИРОВА,
Қарши кишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқитувчиси

ҚАДРИЯТЛАР ~ ЭЗГУЛИКЛАР НЕТИЗИ

босқичга кўтарилди, дейиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилаётгани сўзимиз исботидир. Юртбoshимизнинг бевосита раҳнамолигида амалга оширилаётган ушбу бунёдкорликлар асрий қадриятларимизнинг узвий давоми сифатида аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш, фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Қадимдан халқимиз то-

ларининг «Вандидод» қисмида ҳам акс эттирилган. Бу ҳам табиат ва уни асраб-авайламоқ билан боғлиқ. Чунки сувга тупурса ёки унга ҳар хил нарсаларни ташласа, у турли юкмули касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади, деб тушуниланган. Ҳолбуки, илмий жиҳатдан ҳам худди шундай. Шу боис сувнинг софлигини таъминлаш халқимизда қадрият даражасига кўтарилган.

Шу ўринда табиат ҳодисаларининг инсон ҳаётига, унинг турмуш тарзи ёхуд ўзига хос қадриятларининг шаклланишига таъсири хусусида ҳам ёшларга гапириб бериш, уларда табиатга нисбатан онгли муносабат-

Халқимиз кун иссиғида ҳам, совуғида ҳам қайнатилган сув ёки чой ичган. Чунки, инсон организмидаги ҳароратнинг кескин ўзариши турли касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлишини билишган. Айтайлик, киши организмининг меъёрий ҳарорати 36° бўлса ва унга камида 2-5 °C га эга бўлган ташқи омил таъсир этса (муздек сув ёки шунга ўхшаш бошқа ичимликлар ичилса) бутун органларнинг шамоллашига ва бошқа касалликларнинг юзага келишига олиб келади. Шу боис ҳам ота-боболаримиз терлаб, ташна ҳолда совуқ сув ичмасликни маслаҳат беришган.

Хазонрезги палла табиатга нисбатан амалга оширилган биргина нотўғри хатти-

ҳаракат инсонларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу борада экологик тозаликни асраб-авайлаш юзасидан ўтказиб келинаётган «Ободонлаштириш ойлари» алоҳида аҳамият касб этади.

«Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази» томонидан Яккасарой туманидаги 26-мактабда «Ёш эколог-ўлкашунос» тўғараги ташкил этилган бўлиб, у фаолияти давомида атроф-му-

Tashabbus

фаолият олиб боради. Ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаган, унга аъзо бўлиш истагини билдираётган ўқувчилар сони эса талайгина. «Яшил патрул» гуруҳининг сардори Руслан Фаниев ёрдамида мактабимиз яқинидаги кўп қаватли уйларнинг атрофи доимо тозаланади. Гуруҳ аъзоларидан айниқса, Ш.Қобилбеков, Ў.Мусоев, Н.Аҳророва, М.Хусниддинова сингари ўқувчиларнинг фаоллиги эътиборга молиқдир, — дейди тўғарак раҳбарларидан бири Юлдуз Жабборова.

БУРЧДОРЛИК ҲИССИ

Ўз она тилини яхши билмаслик, сўзлашув жараёнида хорижий сўзларни аралаштириб юбориш бугунги кунда ёшларимиз орасида учраётган нуқсонлардан биридир.

Бундан холи ўсиб улғайиши, таълим-тарбия олиши учун илм масканимизда ўзбек тили, она тили ва адабиёт фанидан олиб борилаётган машғулотларда фан ўқитувчилари томонидан тилимизнинг бойлигини, ундаги ҳар бир сўзни эҳтиёткорлик билан ишлатиш лозимлиги, соф ҳолда келажак авлодга етказишга масъул эканлигимиз алоҳида таъкидлаб борилади. Кундалик турмушда кенг қўлланилаётган маънавият, менталитет, миллийлик каби сўзлар ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид компьютер, менежер, менежер, мониторинг каби тушунчалар тўғрисида дарс давомида кенг изоҳ беришга аҳамият қаратамиз.

Тилимизнинг бойлиги, сўзларнинг жозибаси ҳатто кўплаб хорижий тилшуносларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Олмон филологи Макс Мюллернинг сўз бойлигимиздан ҳайратга тушиб, ўз тадқиқотларида алоҳида ўрин ажратгани, ўзбек тили ва унинг шевалари хусусида венгриялик Эва Добос, англиялик Реми Дор, шведиялик олим Г.Яринг, немис тилшуноси К.Менгес алоҳида илмий изланиш олиб борганлиги фикримизнинг исботидир.

Таълим муассасамизда бўлиб ўтган тил байрамида ҳам тилимизнинг бебаҳо хазина эканлиги, ундаги ҳар бир сўзни ўз маъно-моҳиятига кўра ишлатиш, Миллий энциклопедия ва изоҳли луғатлардан фойдаланиш хусусида фикр юритилди.

Саодат ҲАСАНОВА,
Жиззах энгил sanoat касб-хунар коллежи ўқитувчиси

ТОЗА АТРОФ-МУҲИТ УЧУН

ҳит ободончилигига оз бўлса-да, ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. 62 нафар ёшларни жамлаган бундай гуруҳларга асосан 6—7-синф ўқувчилари жалб қилинган.

Тўғарак доирасида кўнгилчилар танлаб олиниб, «Яшил патрул» гуруҳи ташкил этилган. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунали ташкил этиш, уларни табиатни севишга ўргатиш ва экологик мувозанат бузилишини назорат қилиш мақсадида тузилган тўғарак мана икки ойдирки, иборатли тадбирлари билан ёшлар эътиборини қозонди. Мактабга ташриф буюрганимизда тўғарак фаоллари ҳудуд тозаллигини таъминлаш ишлари билан банд эди.

— Тўғарагимиз бир ҳафтада уч кун

Энг қизиги, «Яшил патрул» гуруҳининг 2 нафар навбатчи аъзоси ҳар куни мактаб атрофини кўздан кечириб чиқади. Агар улар атроф-муҳит ва экологияга салбий таъсир ўтказадиган бирор ҳаракатнинг (масалан, хазонларни ёқиш) гувоҳи бўлишса, дарҳол мактаб маъмуриятини огоҳлантиришади.

Фарзандларни табиатга эътиборли, шунингдек, меҳнаткаш қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Шу ўринда мактаблардаги бундай амалий саъй-ҳаракатлар ҳам бу вазифанинг муштараклигини таъминлайди. Атроф-муҳитнинг саранжом-саришталиги замирида ободлик ва юксалиш намён бўлади.

Дилфуза МАҲКАМОВА

ОИЛА — МИЛЛАТ КЎРҒОНИ

ХАЛ КИЛУВЧИ БЎҒИН

«Оммавий маданият», «ахборий хуружлар», «маданий гегемония», «маданий имперализм», «маданий глобаллашув» каби тушунчаларни эшитар ёки шу ҳақда ўқир эканман, энг аввало, хаёлимга ОИЛА келади.

Оила — миллий ўзига хосликни, кадриятлар, энг яхши анъаналарни жамлаган миллий маданиятни, бир сўз билан айтганда, миллат қиёфасини асраб қолувчи кўргондир. Юқорида эслатилган ҳаракатлар, гегемонликка интилаётган давлатлардаги муайян кучлар томонидан амалга оширилаётган мафқуравий таъйик, маданий хуружлар эса айнан оила тушунчасини пароканда қилишга қаратилган. Шунинг учун ҳам Президент Ислоҳ Каримов ҳар гал ёш авлодни турли таҳдид ва таъйиклардан, маданий ва маънавий хуружлардан асраш ҳақида гапирар экан, бунда, энг аввало, оилага эътиборни қучайтириш зарурлигини таъкидлайди. Юртбошимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тарқийқёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо етишда мустаҳкам пойдевордир» деб номланган маърузасида ҳам янги 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиб, шу муносабат билан қабул қилинадиган махсус давлат дастурининг асосий йўналишлари ҳақида сўз юритар экан, жумладан, шундай деди: «Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳими, мен айтган бўлардимки, ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оилага алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар томонлама асраб-авайлаш тадбирларини бўлажак дастурнинг узвий қисми сифатида қўришимиз зарур.

Халқимизда «Куш уясида кўрганини қилади», деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно-мазмун бор.

Ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш аввало оила бағрида, оиланинг соғлом иқлими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ўрматли шариғатида чуқур илдиш отишини, ўйламанки, ҳаммамиси яхши англаймиз.

Бундан хулоса шуки, соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа, деб билишимиз даркор.

Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлимизга, азалий кадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора қучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир».

Президентимизнинг шу фикрларига асосан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида оила масаласига кенг эътибор қаратилди. Жумладан, Давлат дастурининг 9-бўлими «Ёш оилалар тўғрисида дамқўрликни қучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш», 10-бўлими эса «Ёшлар ўрғасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли «оммавий маданият» иллатларининг зарарли таъсиридан, таҳдидидан муҳофиза қилиш» деб номланиб, ушбу йўналишлар бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди ҳамда бу борада ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Ҳўш, ўзимиз, ҳар бир фуқаро оиламизда мазкур масалаларга қандай ёндашяпмиз? (Давоми 9-бетда.)

«Нега мен бунчалик омадсизман?». Ишлар юриш-маётгандек туюлганда, кетма-кет мағлубиятлар ортимиздан соядек эргашган вақтда кўпинча шу саволга жавоб излаймиз. Омадсизликларнинг асл сабабчиси ким ёки нима, деган ўй бизга тинчлик бермайди. Ваҳоланки, бу масала жиддий муҳокамага муҳтож эмас. Ҳаётимиздаги аксарият ҳодисаларнинг «омадли» ёки «омадсиз» дея тавсифланиши ўзимизга — атрофдагиларга қандай муносабатда бўлишимиз, воқеалиқларга қайси нуқтаи назардан ёндашимизга боғлиқ, назаримда.

Инсоннинг ижтимоий муносабатларга кириша олиш қобилияти унинг келажаги ва жамиятдаги мавқеини белгилувчи муҳим омиллардан бири саналади. Мазкур ҳаётий ҳақиқатни ўз вақтида англаган Фарб руҳинослари одамларда яхши таассурот қолдириш, қисқа фурсатларда самимий мулоқотга киришиш ва бундан умумий манфаатлар йўлида фойдаланиш борасида катта-катта кутубхоналарга сизмайдиган китобларни яратишга улгурди. Мулоқот санъат даражасига кўтарилди. Айрим дўкон сотувчилари ёки ташкилот маъмурлари учун ҳатто махсус «Мулоқот санъати» курслари ташкил этилди. Билим, топқирлик ва ҳозиржавоблик ҳар қандай ходимнинг энг яхши сифатлари қаторидан жой олди. Бхтли бўлишни истайсизми — марҳамат. Бунинг учун сизда ҳамма имконият мавжуд. Муаммо шундаки, одамдаги феъл-атвор ва хусусиятлар биргина тайёрлов курсини муваффақиятли яқунлаш ёки битта руҳиносликка оид китобни ўқиб чиқиш билан ўзгариб қолмайди. Унинг орзулари, мақсадлари ва режаларида болалик хотиралари, умрнинг дастлабки йилларида олинган тарбия сезиларли даражада акс этиб туради.

БОЛАЛАР РОБОТ ЭМАС

Дунёдаги энг яхши ота-она бўлиш учун ҳамма нарсага тайёр одамлар кўпчиликни ташкил қилади. Бирок ўз жигарбандини тушуниш, унинг ҳис-туйғулари билан ҳисоблашиш ҳамма билан кўлидан келармайди. Баъзан болангизнинг хати-ҳаракатларидан жаҳлингиз чиқади, айрим ишларини сиз айтгандек эмас, ўзи истаганча бажарса, хавотирга тушасиз. Мана шундай ҳолатда болага дўқ уриш, унинг инжиқликларини жиддий қабул қилмаслик, боланинг саволларига ҳам қила оларди у? Фарзандини «кўп гапирмаслик»ка орқали муаммони ҳал қилишга уринасиз. Натихада вазият чигаллашади, холос.

НИГОҲЛАРДА ЯШИРИН МАЪНО

Дунёни таъний бошлаган илк кунлариданоқ бола атрофдагилар билан мулоқот қилишга эҳтиёж сезади. Бу мулоқот вербал(сўзлар ёрдамида) ёки невербал(кўз қарашлари, имо-ишоралар, қўл ҳаракатлари) кўринишида бўлиши мумкин. Масалан, чақалоқ йиғиси унинг очиқ қанидан дарак бериши, дейлик. Бунга жавобан болани озиклантиришингиз ўртада бир қарашда пайқаш кийин бўлган мулоқот «кўприги» мавжудлигидан далолат. Бора-бора, бола онгда сиз қўллаётган сўзларнинг маъносини ҳақида тушунчалар, тасаввурлар пайдо бўлади.

Психолог Виготскийнинг фикрича, боланинг буюм ва ҳодисаларга муносабати, ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш усуллари бошқа бир одам(ота-она) орқали шаклланди. «Баҳор» сўзини олайлик. Сиз баҳорнинг йил фаслларидан бири экани ва бу фасл даракларнинг куртак очиб жараёни билан узвий боғлиқлигини биласиз. Фарзандингизга ҳам шу ахборотни етказасиз. Амин бўлганингиздек, боладаги

турлаштирилган, ҳамма курсатмаларни сўзсиз бажарадиган робот эмас.

КЎП РОБ... БОШ ОҒРИТАДИ(МИ)?

Шаҳар автобусларидан бирида 4 ёшлар атрафдаги қизалоқ ва унинг «ҳозиржавоб» онаси билан гоийбона танишиб қолдим.

— Ойи, автобус каттами, поездми? — сўради онасининг тиззасида ўтирган қизча.

— Поезд, — кўзларини қўлидаги телефонидан узмай жавоб берди 30 ёшлар атрафдаги аёл.

— Дадам уйдами, ойи? — Билмайман, — аёлнинг ингичка терилган қошлари чимирилди.

Одобсизликка йўллангану, лекин она учун айни пайтда фарзандидан ҳам муҳимроқ нарсанинг нималигига аэбзари кизиқчиндан телефонга «мўраладим». У «сотка»сидаги SMSларни бирма-бир ўқиб чиқаётганди! Момнати қаранг...

— Ойи, менгаям «сотка» олиб берасиз-а? — энди қизалоқ мўлтираган кўзчала-

яшайди. Катталар билан гаплашганда, меҳроқибат ва ўзаро бир-бирини тушуниш эмас, балки доимий ётсираш ва ҳавфдан ҳимояланиш эҳтиёжи устунлик қилади. Америкалик руҳшунос А. Жерсид боланинг атрафдагиларга бўлган муҳаббатини атрафдан меҳр ва унинг қай тарзда ифодаланишига боғлиқ эканини таъкидлайди. Халқимизда мазкур илмий ҳўлосанинг лўнда ифодаси бор: «Нима эксанг, шуни ўрасан».

БОЛА «МУЛОҚОТ ДОИРАСИ»ДАН ТАШКАРИДА

Англиялик машҳур психолог Жон Боулби меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг руҳий ҳолати ва «эвоҳлани»ни кузатиб, боланинг ўсиб-улғайишида ота-онанинг қанчалик муҳим ўрнига эга экани ҳўсусидаги баҳс-мунозараларга қатъий нуқта қўйди. Тарбияланувчиларнинг бир қисми ҳўддан ташқари пассив, қолганлари эса аксинча, меъеридан ортик дара-

пайқаган ҳолда, атрафдагиларга керакли инсон эканини англамайди. Бхтли бўлиш учун бировлардан ёрдам кутишга одатланиб қолган бу тоифадаги одамларда, баъзан ташқи таъсирларга оғиб кетиш, йўлдан адашиш ҳолатлари учраб туради.

Тор доирадаги мулоқот тенгдошлар ва катталар билан суҳбатга киришиш, дўстона муносабатлар аҳамиятини тушуниш, олам ҳақида тўғри тасаввурларга эга бўлиш жараёнларини секинлаштиради. Айрим психологларнинг фикрига кўра, катталар билан гаплашишга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаслиги доимий қарамлик ҳолатини келтириб чиқаради. Болада ўзи истаган нарсани амалга оширишга, мустақил қарор қабул қилишга журъат етишмайди. Эмпатия, яъни ўз кечинмаларини бошқа одам билан ўртоқлашиш, бировларнинг қувончи (ташвиши)га шерик бўлиш ҳўсусиятнинг йўқлиги оқибатида бола ака-укалари-

Болада ҳам ҳиссиётлар борлигини ва бу ҳиссиётларни юзага чиқармасликнинг иложи йўқлигини доим ёдда тутинг. Болаларнинг ҳулқи ёки одоби ёмон бўлиши мумкин. Лекин туйғулар, ҳиссиётларга келганда, уларни салбий, ижобий сингари тоифаларга ажратиб бўлмаслиги ҳаммага аён. Бола йиғлаганда, «Овозингни ўчири!», «Бақирма!», каби сўзлар билан уни «тинчлантираман» десаңгиз, адашасиз. Ўзингиз йиғлаган пайтингизда шундай муносабатда бўлишга, нима аҳволга тушишингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Наҳотки, болани овутшининг бошқача, юмшоқроқ усули бўлмас? Балки, унинг нега йиғлаётганини сўраб кўрасиз?

Бола улғаяётганини жуда яхши ҳис қилади ва атрафдагилардан шунга яраша муносабат кутиши табиий. Сиз унинг кўз ўнгига ҳамма нарсани тақиқлаб, арзимаган сабаб туйғайли бақришга тайёр жаҳлдор кимса эмас, керак пайтда маслаҳатини аямайдиган дўст, меҳр-муҳаббат тимсоли сифатида гавдаланишингиз керак. Болани тинглай олиш, у асабийлашганда, хотиржамликни сақлаш ота-онанинг фарзандига бериши мумкин бўлган энг яхши совғасидир.

ТАҚИҚЛАШ «МУМКИН ЭМАС!»

Ота-оналарни ўз фарзандлари билан тўғри сўзлашишга ўргатиш гоёси америкалик болалар психологи Х.Жайноттга тегишли. Унинг фикрича, боланинг туйғуларини яхшироқ англаш учун унга саволлар билан эмас, аниқ ҳўлосалар билан муносабат қилиш керак. Фараз қилинг, ўғлингиз мактабдан ёмон кайфиятда қайтди. Бундай вазиятда «Яна нимани бошлаб келдинг?» ёки «Нима бўлди, тинчликми?» гапмас.

Уз вақтида ота-онасидан етарлича меҳр кўрмаган норалиқ катталар билан мулоқот вақтида ўзини ноҳор ва оҳиз ҳис қилади. Бундай болалардан, одадта мустақил қарор қабул қилишда узоқ инкиланиданга, ёлғизликка интиладиган, омадсизликка қараганда секинроқ амалга ошади. Бола доимий хавотир, кўрқув ва ёлғизлик каби ҳиссиётлар қуршоғида

Ота-оналар majlisi uchun mavzu

Ўтиши билан бу чекловлар таъсирчанлигининг йўқолишига сабаб бўлади.

— Бола билан суҳбатлашиш жараёнида бўлишсиз феъллардан(тегма, қилма, кўрма ва б.) иложи борица камроқ фойдалансангиз, ижобий натижага эришингиз бирмунча осон кечади. Масалан, «Кўчага бош кийимсиз чиқма!», деган гапни «Кўчага чиқаётганингда, бош кийимингни кийиб ол» тарзида айтсангиз, буйруқнинг бажарилиш эҳтимоли кўпроқ бўлади, — дейди Х.Жайнот.

Биз камчиликлардан холи эмасмиз, фарзандларимиз ҳам нуқсонсиз бўлмаслиги аниқ. Болангизни арзимаган хато ва камчиликлар учун койиманг. Уни қўшни болалар билан таққослашни бас қилинг ва қандай бўлса, шундайлигича ардоқлашни ўрганинг. Акс ҳолда, бола улғайгач, бировларга тақдид қилиш истаги шахсий мақсадлардан устун чиқиши мумкин.

Болани тинглаётганингда бутун диққатингизни унга қаратинг. Бир вақтнинг ўзида ҳам телевизор кўриш, ҳам бола билан суҳбатлашининг имкони йўқ. Асосий диққатингиз, албатта, объектлардан бирига қаратилган бўлади. Шундай вазиятда бола иккинчи даражага тушиб қолса, у буни пайқамаслиги мумкин эмас. Эшитмаётган бўлсангиз, ўзингизни худди эшитаётгандек тутманг.

Бола боғчадан келиб, кун давомида содир бўлган воқеалар ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг гапларини бўлмасликка, саволлар орқали вазиятни аниқлаштиришга ҳаракат қилинг. Тўғри, сиз учун боғча оранинг гапларига кирмаган қайсибир бола ҳақидаги ҳикоялар жуда зерикарли туюлиши мумкин. Аммо фарзандингиз бу ҳақда гапиряптими, демак, у воқеадан маълум даражада таъсирланган.

Боланинг қалбида тузати бўлмайдиган асорат қолдириши ва унинг келажига ақс этиши муқарраб бўлган сўз ва иборалардан эҳтиёт бўлинг. Жаҳл чиқиб, ақл кетганда, беҳосдан «Ўзингни ёш болага ўхшаб тутма», «Мени уялтирдиринг», «Кўлингдан ҳеч иш келмайди» сингари гапларни айтишдан ҳам тоймаймиз. Лекин бу сўзлар бола тақдиринда исзис кетмаслиги ҳам мумкин. Ўзини кераксиз ва оҳиз ҳис қилган бола келажикда тўғри йўлни тополмай қийналиши ҳақида ўйлаб кўринг.

Фарзандингизга илиқ гапларни айтишдан тортинманг. Ахир, бу орқали сиз ўзингиз учун ҳам бхтли келажак яратасиз. Боланинг эришган ютуқларини доимий равишда рағбатлантириб бординг. «Сендек фарзандим борлигидан фахрланаман. Келажикда бундан да яхшироқ натижаларни қўлга киритишингга ишонаман. Мен сени яхши кўраман»... Аминманки, бу гапларни жигарбандингизга айтиш қийинчилик тўғдирмайди.

Глобаллашув — мураккаб жараён. У, аввало, ахборотларнинг хилма-хиллиги билан харақтерланади. Аммо кўп нарсани эмас, керагини билган доно деганларидек, фарзандларимизни баркамол авлод этиб тарбиялаш учун уларни фақат оқ ва қорани, яхши ва ёмонни ажратишга эмас, балки бир ривоятда таъкидланганидек, икки яхшилиқнинг энг яхшисини, икки ёмонликнинг ёмонроғини фарқлай олишга ҳам ўргатишиниз шарт. Шунда улар ҳар биримиз орзу қиладиган етук шахслар бўлиб вога етишлари шубҳасиз.

Висола ҚАРШИБОВЕВА, «Ma'rifat» мухбири

ОИЛА — МИЛЛАТ КЎРҒОНИ

(Давоми. Боши 8-бетда.)

КАЛАМУШСИЗ МАТАЛАР

Оила ҳақида сўз борар экан, барчамизнинг ёдимизга дастлаб болалигимиз, ота ва онамизнинг тутуми, бизни қандай тарбия этгани тушади.

Раҳматли отам биз, фарзандларига айтиб берадиган маталарнинг қаҳрамонлари асосан от, бўри, ит, куён каби жонзотлар, беда-на, мусича каби қушлар бўлар эди. Бирон марта сичкон, каламуш, илон сингари зараркунадаларни қаҳрамон қилиб матал айтганини эслолмайман.

Бугуннинг болалари кўраётган мультфильмларнинг қаҳрамонлари эса, сичкон, каламуш ҳамда номи йўқ, Фарб мультпликаторлари томонидан ўйлаб чиқарилган ҳаёлий, қўрқинчли махлуқлар — «Стюарт Литтл», «Микки Маус», «Сичконча Пирес», «Шрек», «Бэтман» ва ҳоказолар.

Энди ўйлаб кўрсам, олти ака-укадан тўрт нафаримизнинг жамиятнинг «кўзи» ва «сўзи» бўлган кадр — журналист бўлишимизда отамнинг маталари катта рол ўйнаган экан.

Интернетдаги ўшак(ғийбат)лар, мобил телефонларда тарқаб кетаётган турли беҳаё лавҳалар, сериаллару мультфильмларда зимдан тарқатиладиган ёт гоёларга қарши имунитетни, энг аввало, оилада шакллантиришимиз зарур.

Кўча-кўйда ярим-яланғоч, тирноқларини ўстириб юрган қизларни кўрсам, бекорчиликдан зерикиб, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик домига тушиб қолган йигит-қизлар ҳақида эшитсам, «Шуларнинг ҳам оиласи, ота-она, ака-укаси бормикан, оилаларида муҳит қандай экан?», деб ўйлаб қоламан.

Зеро, Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаринда таъкидлаганидек: «Кўпйиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шўни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.

Боланинг онги, асосан, 5—7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намён бўла бошлайди».

Фарзандларимизнинг кенжаси бир ёшга тўлаяпти. Ака-опалари эса уч ярим, олти ярим ва тўққиз ёшда. Улар миллий эстрада санъатимизни, айниқса, Эозбек Назарбеков кўшиқларини яхши кўришади. Шунингдек, мультфильмларни ҳам. Дам олиш кунлари, олдта, уйда бўлсам, уларга юқорида санаб ўтилган каби мультфильмларни кўришга руҳсат бермайман. Бунинг ўрнига «Олтин мерос» туркумидаги юздан ортик классик, лирик ашуаларимиз ёзилган дискни кўяман. Майли, улар менга кўшилиб диққат билан эшитишга ҳали сабрлари етмас, аммо муҳими, мулоқларига сингяпти-ку, дейман...

Бу менинг хонадонимга хоҳласам-хоҳламанам-да, кириб келадиган «маданий» ва «маънавий» хуружларга қарши фарзандларим онги ва қалбида миллий мафқуравий имунитетни шакллантиришга қаратилган уринишларимдир.

Глобаллашув — мураккаб жараён. У, аввало, ахборотларнинг хилма-хиллиги билан харақтерланади. Аммо кўп нарсани эмас, керагини билган доно деганларидек, фарзандларимизни баркамол авлод этиб тарбиялаш учун уларни фақат оқ ва қорани, яхши ва ёмонни ажратишга эмас, балки бир ривоятда таъкидланганидек, икки яхшилиқнинг энг яхшисини, икки ёмонликнинг ёмонроғини фарқлай олишга ҳам ўргатишиниз шарт. Шунда улар ҳар биримиз орзу қиладиган етук шахслар бўлиб вога етишлари шубҳасиз.

Хусан ҚАРВОНЛИ

Бугун ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида одамларнинг қарашлари, ҳаётга бўлган муносабатлари ва бунинг натижаси ўлароқ яшаш тарзи ўзгармоқда. Ахборотлашган дунёнинг шиддати ҳатто болалар онгига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. Фарзандларимизнинг кўпчилиги гоҳ мультфильм, гоҳ кўрсатув томошаси билан, баъзида эса вақт ўтказиш ваҳидан узоқ муддат телевизор ёки компьютер монитори қаршида қолиб кетаётгани рости. Тўғри, бир ҳисобда телетомошалар уларнинг ақлий қобилиятларини ўстиришга, атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилар. Аммо томошанинг бола ёшига мослигидан ташқари намойиш оралигида берилаётган рекламалар унинг онгига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Чунки болалар ва ўсмирлар ойнаи жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳайрат кўзи билан қараб, айнан кўрган, эшитганини тўғри деб қабул қилади. Шунинг учун реклама берувчилар болаларга телерекламаларнинг мақсадларини амалга оширишдаги энг асосий восита сифатида қарайдилар.

Мамлакатимизнинг рекламага оид қонунчилигига биноан болалар аудиториясига мўлжалланган кўрсатувларда ижтимоий ахборот реклама материалларидан бошқа рекламаларни жойлаштириш тақиқланган. Лекин бефарқлигимиз туфайли болаларимиз телеэкранда берилаётган деярли барча рекламалардан "баҳраманд" бўлади.

Бир танишимнинг ўғлини биламан. Ёш бўлишига қарамай, у жуда кўп рекламани ёддан айтиб беради. Ота-онаси билан савдо марказларига боргудек бўлса, айнан телевизорда кўрган нарсасини харид қилиб беришларини сўрайди. Унинг учун телевизор орқали реклама роликларида тавсия қилинаётган маҳсулотларнинг ҳаммаси "аъло" даражада.

Мутахассисларнинг фикрича, бола айнан ўсмирлик давридаёқ ҳаётнинг кўп қирраларини англаб етади. Шу жиҳатдан бугун томоша қилинаётган рекламалар уларнинг келажак фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди.

Ушбу мулоҳазалар билан реклама тушунчасини қоранг орқали ифодамоқчи эмасмиз. Бугунги кунда реклама жамиятнинг зарурий эҳтиёжга айланган. Унинг бизнесни ҳаракатга келтирувчи куч эканини нафақат ишбилармонлар, балки оддий истеъмолчи ҳам англаб етди. Айрим рекламалар томошабиннинг бироз диққатини оширгани, асабини бузгани рости. Лекин айни пайтда рекламалар бизнинг маҳсулот ва хизматлар бўйича

риб келган меҳмонлар реклама шитлари орқали меҳмонхоналар манзили ва телефон рақамлари билан танишадилар.

Мустақиллик йилларида иқтисодий ислохотларнинг самараси ўлароқ юртимизда реклама бозори шаклланиб, бу борадаги фаолиятни тартибга солувчи "Реклама тўғрисида"ги қонун ҳам қабул қилинди. Реклама тарқатиш билан шуғулланувчилар сони ошиши натижасида реклама бозорида соғлом рақобат муҳити юзага келди. Бироқ, минг афсуски, реклама бозоридаги рақобат кучайгани сари истеъмолчига, унинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган яширин рекламалар ҳам пайдо бўлди. Айниқса, тамаки ва спиртли ичимликларга оид

сита экани ҳақида тасаввур пайдо қилиши мумкин эди. Шунингдек, бу турдаги айрим реклама материалларини тарқатишда эса одоб ва ахлоқнинг умумэтироф этилган меъёрларига риоя қилинмаган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Афсуски, бундай рекламаларда "оммавий маданият"нинг маълум кўринишлари кўзга ташланади. Бу эса халқимиз миллий қадриятларининг ажралмас қисми бўлган ёшлар, оила каби қарашларга зид бўлибгина қолмай, ушбу тушунчаларни ёшларимиз онгидан суриб чиқаришга хизмат қилиши тайин.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг маълумотларига қараганда, ўтказилган текширувлар

БИЗНЕСНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРФИБОТИГА ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛСИН

ахборот агентимизга, маслаҳатгўйимизга айланди. Уларда олмоқчи бўлган ҳар қандай маҳсулотнинг сифати, яроқлик муддати ҳамда сотилаётган манзилигача маълумотлар жамланмоқда. Агар ишлаб чиқарилган товар ёки хизмат тури замон талабларига тўла жавоб берса-да, бирор восита орқали реклама қилинмас экан, ушбу товарга нисбатан истеъмолчиларда хайрхоҳлик уйғонмаслиги табиий.

Мисол учун, "Тошкент" каналида берилаётган "Телекурьер" кўрсатувининг фаолияти таҳсинга лойиқ. Пойтахтимизда ишлаб чиқарилаётган, сотилаётган маҳсулотлар ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари ҳақида мазкур кўрсатув орқали кўп нарсга билиб оласиз.

Шунингдек, ташқи рекламалар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бугун улар шахримиз кўрқига кўрк қўшиш баробарида йўловчилар учун зарурий маълумотларни олиш имкониятини яратмоқда. Масалан, вилоятлардан Тошкентга ки-

реklamalar эртанги кун эгалари бўлмиш ёш авлоднинг дунёқарошида нотўғри тушунчаларни юзага келтириши мумкин.

Бугунги кунда баркамол авлодни вояга етказишда кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда уларнинг алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиши ва тамаки маҳсулотлари чекишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ушбу маҳсулотлардан фойдаланган киши саломатлиги ёмонлашиш билан бирга, жамият учун ҳам зарар келтириши мумкин. Мазкур маҳсулотлар рекламасидаги сўзлар, жимжамдорлик, ёрқинлик, бола онгини тезда ўзига жалб этиши ҳамда ушбу маҳсулотларга қизиқиш ва эҳтиёжни пайдо қилиши мумкин. Масалан, бир маҳаллар телеэкран орқали берилган пивонинг рекламасини олайлик. Уни томоша қилган ёшларда пиво дўстликни мустаҳкамловчи во-

натижасида аниқланган ҳолатлардан 118тасида алкоғол маҳсулотлари қонунга хилоф равишда реклама қилинган. Уларнинг ичида бир қарашда билинмайдиган, аммо ёшларимизни спиртли ичимлик номлари билан яширин таништираётган уддабурчон ишбилармонлар ҳам учраб турибди. Мисол учун, "Монополная игра начинается", "Столетов лимонад номер 1" каби рекламаларда шу номдаги (Монополная, Столетов) ароқ маҳсулотларини яширин равишда реклама қилишга уринишлар кузатилган.

Таъкидлаш жоизки, реклама нафақат маҳсулотни тарғиб қилувчи восита, балки ишлаб чиқаришдаги муайян ютуқларни намойиш этувчи, аҳолига маълум маънода ахборот етказувчи, инсоннинг руҳий ҳолатига тез таъсир этувчи, она тилимиз имкониятларини ўзида акс эттирувчи тезкор омил саналади. Эътибор берсангиз, ўқиш-ёзишни энди ўрганаётган болалар шаҳарла-

Mulohaza

римиз кўчалари, турли майдонлар, муассаса, ташкилотлар бинолари пештоқларида осилган реклама матнларидаги ёзувларни бир-бир кўздан кечириб чиқишади. Табиийки, у ердаги айрим услубий ва имловий хатолар, шунингдек, ахборот беришда хорижий сўзлардан фойдаланиш ёхуд тўғридан-тўғри, ўзбек тили меъёрларига мос келмайдиган таржималар уларнинг саводхонлигига ҳам акс таъсир этмай қўймайди.

Шу ўринда айтиш лозимки, берилаётган рекламалар ишбилармон-tadbirkorlar manfaatiga, истеъмолчилар ҳамда ёшлар маънавияти юксалишига хизмат қилсагина, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.


Мамлакатимизда парламент томонидан жорий йилнинг 17 сентябрида "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, реклама тарқатишдаги ёшлар маънавиятига таъсир қиладиган мавжуд муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатга биноан барча қувватдаги спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари рекламасининг ҳар қандай усуллари қатъиян тақиқланди. Шунингдек, ушбу маҳсулотларни яширин равишда реклама қилиш, жумладан, уларни текин тарқатиш; маҳсулотларнинг номи туширилган (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва ҳоказо) товар белгиси тасвирдан фойдаланиладиган тadbirkorlarга ҳомийлик қилиш, жамоат жойларида ҳар қандай спиртли ичимликларни реклама қилиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Албатта, қонун ёрдамида реклама хуружларига чек қўйиш мумкин, аммо ёш авлод масаласи, уларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишлари учун тadbirkorlarдан тортиб, устоз-мураббийлар ҳамда оддий фуқароларгача қайғурсагина, маънавий зарарларга барҳам берилиб, эзгу мақсадимиз бўлмиш баркамол авлод орзусига етишимиз мукаррар.

Аббор УМАРҚУЛОВ



Яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш, ўз ишига ижодий ёндашиш, янги педагогик технологиялар асосида машғулот олиб бориш ҳар бир ўқитувчи ва мураббий олдида турган асосий вазифа ҳисобланади. Муаззам Юсупова пойтахтимиздаги 324-



мактабда кўп йиллардан буён ёш авлодга она тили ва адабиёт фанларидан сабоқ бериб келади. Тажрибали муаллима ҳар бир машғулотни амалий мисоллар, мавзуга оид плакатлар орқали олиб бориб, ўқувчилар фаоллигини оширишга эришмоқда.

Унинг дарс ўтиш услуби, болалар билан ишлаш тажрибаси кўпчилик ҳамкасблари учун намуна. Хусусан, М.Юсупованинг ақлий ҳужум, класстер каби интерфаол усуллар, компьютер технологиялари орқали машғулот олиб бориш тажрибасидан ёш ўқитувчилар кенг фойдаланмоқда.

Ўқитувчининг ташаббуси билан октябрь — филология йўналишидаги фанлар ойлиги давомида мазмунли тadbirkorlar ўтказилиб, унда ўқувчиларнинг фаоллиги таъминланди. Фан ойлигининг якуний фестивали ҳам қизиқарли уюштирилди.

Суратда: ўқитувчи Муаззам Юсупова 5-синф ўқувчиларига она тилидан "Содда йиғиқ ва содда ёйиқ гап" мавзусида дарс ўтмоқда.

А.ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Манбаларда қайд этилишича, бундан неча юз йиллар муқаддам ҳам (ўша даврларда ребаб, дея аталувчи) мусиқий созларимиздан бири рубобни чалиш таъбир жоиз бўлса, санъат оламига кириб келишининг илк босқичи, мусиқа салтанатининг алифбосини ўрганиш саналган. Буюк аждодимиз Абу Носир Форобий ҳам рубобни ўзгача меҳр билан чалар эканлар. Ул зотнинг таърифлашича: «Киши овозига яқин товуш чиқарадиган чолғу асбоблари — рубоб, най, сурнайдир. Улар инсон овозига жуда яқин тақлид қилади. Чолғу асбоблари ашулага жўр бўлади, ашуланинг бошланғич қисмини ва унинг орасидаги чолғу қисмини ҳосил қилади...».

Ўзбекистон санъат арбоби Аҳмаджон Одиловнинг «Ўзбек халқ чолғуларидан ижрочилик тарихи» китобида келтирилишича, Дарвеш Али ҳам рубобни гоят маҳорат билан чалар, бухоролик Шайх Шамсий Руббоний кўлига рубоб олиб черта бошлаганида унинг атрофини ўтган-қайтган йўловчилар ўраб олишар, созининг хушнаволари юракларни сел қилиб, кўнгилларга ҳаёт завқини улашар экан.

Бугун кўпгина миллий чолғуларимиз сингари рубоб ҳам ўзига хос таракқиёт йўлини босиб ўтди. Унинг иштирокида нафақат ансамблларда, балки оркестр жўрлигида ўзбек ва жаҳон композиторларининг ажойиб асарлари ижро этилмоқда. Ёш созандаларимиз республика, халқаро миқёсдаги танловларда муваффақият билан иштирок этишмоқда.


Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги Бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси Ўзбек халқ чолғулари оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Ҳикмат Ражабов билан уюштирган мулоқотимиз оркестрда турли созлардан таралаётган оҳанглари бир-бирига уйғунлаштириб, мувозанатини тутиб турувчи имкониятга эга РУБОБ, истеъдод ва унинг тарбияси мавзуларига қаратилди.

каси устида ишлаганда ҳар бир қўлни алоҳида, шунингдек, икки қўлни бирга маълум мақсад ва вазифага бўйсундиришга эриша билмоқ керак.

Чолғуни қўлга олишдан аввал, албатта, уни тўғри ушлашни билиш шарт. Агар рубоб нотўғри ушланса, қўл чарчаб қолиши, бармоқларнинг эркин юрмаслиги каби ҳолатлар кузатилиши мумкин. Рубоб оркестр ва ансамблларда ўтириб, якканавоз ижро этилганда туриб чалинади. Иккала ҳолатда ҳам қўллар эркин турмоғи керак.

Кўпинча «Бутун вужуди билан ижро этди» деган ибораларга дуч келамиз. Бунга эришмоқ учун созанда ўз дунёқарашини кенгайтира бормоғи, кўп китоб муталаа қилмоғи керак. Шундагина у чолғуга жон бағишлай олади. Соз фақат чертилмайди. У билан сирлашилади, сўзлашилади. Мен шогирдларимга чолғуни қўлга олишдан олдин юз-қўлларнинг озодалиги, кўнгил поклигига эътибор қаратишларини тайинлайман. Чунки сахна — муқаддас, соз — азиз. У инсоннинг руҳиятини ҳис этиш қудратига эга.

Энди танловлар хусусида тўхталсак,



Чолғу ва унинг турлари

— Маълумки, торли мусиқа асбобларидан саналган рубоб ўрта асрлардаёқ Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. Ҳозир рубобнинг бир неча тури мавжуд, яъни Қашқар, Афғон(Бухоро) рубобларининг бир-биридан фарқли жиҳатлари нималардан иборат? Уларнинг кўриниши, ясаши, тузилишидаги тафовутлар оҳангида ҳам сезиладими?


— Қашқар рубоби Ўрта Осиё халқлари ўртасида қадимдан кенг тарқалган торли тирнама чолғу асбобидир. Сознинг узунлиги 80-100 сантиметр бўлиб, чўмичсимон косаси тут, ёнғоқ дарахларининг ғўчаларидан авваллари қовурғали, ҳозирги кунда эса ўйиб ясалади. Косаси устига моҳир усталаримиз мол юрагининг пардаси, лаққа балиқнинг терисига ишлов бериб тортишадими, бу оддий терига нисбатан сознинг овозидаги шираторликни орттиради. Дастасининг учи орқасига қайрилган бўлиб, қўчқор шоҳига ўхшаш 2та гажага бор. Дастасидаги пардаларининг сони 19 тадан 23 тагача бўлиб, дастлаб ичакдан, кейинчалик темирдан ясала бошланган. Рубобнинг 5та тури мавжуд. Улардан тўрттаси симдан ва биттаси ичакдан мустақкам эшилган ипдан тортилади.

Қашқар рубобининг қайта ишланган замонавий тури — оркестрда ва якка соз сифатида ишлатилади. Қашқар рубобининг овози майин ва баланд бўлса, афғон рубобининг садоси эса ипақдай юмшоқ, дилга ором улашади. Унинг тузилишида ҳам бирмунча фарқ бор. Ташқи қисми билан дастаси бир бутун ёғоч бўлагидан ўйиб ишланади. Пастки қисми тери, юқори қисми тахтача билан қопланади. Дастасига одатда 4-5та асосий парда, тахта қопламасига 6-7та қўшимча пардалар ўрнатилади. 5 та асосий тордан ташқари ён қуллоқларига тортилган 10-11та акс садо берувчи қўшимча торлари бор. Асосан маҳоратли созанда-лар томонидан якка соз сифатида ва турли ансамбллар таркибиде қўлланилади. Рубоблар ноҳун(медиатор) билан чертиб чалинади.

Қашқар рубоби мутахассисларимиз томонидан ярим пардалар асосида қайта мукамаллаштирилиб ишланган бўлиб, пардалар доимий, сурилмайдиган тарзда ясалган. Бу эса рубобда фақат халқ куйларигагина эмас, ўзбек ва жаҳон композиторларининг асарларига қўл уриш, шу аснода дунё сахналарига чиқиш имкониятини ҳам берди.

Созни қўлга олмасдан бурун...

— Соз чалиш истагида бўлган ёшларимизга ноталарни ўргатиш, уларга чолғуни техник жиҳатдан қандай тутиш, чалиш каби сабоқларни



Milliy cholg'ular

бериш мумкиндир. Лекин куйнинг бағрида жамланган ҳис-туйғулар, бастакорнинг оҳанга сингирмоқчи бўлган ўй-хаёллари ёки ифодоламоқчи, тасвирламоқчи бўлган, дейлик. Ватанимизнинг бепоёнлиги, гўзал табиати тараннумини муҳлисга борица етказиб бериш, назаримда,



созандадан жуда катта маҳорат талаб этади. Бу маҳорат эҳтимол чолғучининг қобилияти баробарида дунёқарашининг кенг ва бойлиги, ҳатто рубобни чертувчи бармоқлар тарбиясига эътибор каби жиҳатларга ҳам дахлдордир. Шунингдек, мусиқа ва санъат коллежларида таҳсил олаётган ўқувчилар ўртасида ҳар икки йилда бир бора ўтказилаётган ёш ижрочилар танлови иштирокчиларининг маҳоратлари қай мезонлар асосида баҳоланапти? Қирқ йилга яқин ўқитувчилик қилиб, етмишдан ортиқ рубобчиларни тайёрлаб, юртимизнинг турли ҳудудларидаги санъат ошёнларига ишга кузатган, ўнлаб шогирдлари республика, халқаро миқёсдаги танловларда фахрли ўринларни эгаллаган устоз сифатида рубоб ижрочилигининг кечаги, бугунги ва эртанги муваффақиятларини қандай изоҳлайсиз?

— Юғриб кетаётган спортчини кузатганмисиз? У, албатта, асосан оёғининг бармоқлари учи билан ҳаракатланади. Бунинг учун у қанча машқ қилади, бармоқларини чиниқтиради. Рубоб чалаётганда эса чап қўл бармоқларини нечоғлик тўғри қўя билишни ўзлаштира олганлик намоян бўлади. Қўллардаги турли ҳаракат ва услубларнинг шаклланиш ва ўсиш жараёни анча мураккаб. Шу боис рубоб ижроси техни-

ўзбек композиторлари айнан рубоб учун бир қатор асарлар яратишган. Мустафо Бафоевнинг «Поэма», Султон Ҳайитбоевнинг «Баллада», Ойдин Абдуллаеванин «Концерт», Қахрамон Комиловнинг «Поэма-концерт» каби асарлари борки, улар танловда мажбурий дастур сифатида иштирокчиларнинг чолғу техникасини қай даражада ўзлаштира олгани, бармоқлар ҳаракатидаги уйғунлик, асар мазмун-моҳиятини ҳис этиш каби малакаларини аниқлашга хизмат қилади. Шунингдек, халқ куйлари, мураккаб жанрлар, моҳирона (техник жиҳатдан тез чалинадиган) куйларни ҳам ёшларимиз маҳорат билан ижро этишга эришяпти.

Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Шавкат Мирзаев, Тоҳир Ражабий, Қобилжон Усмонов ўз ижро услубига эга санъаткорлар сифатида якканавоз чиқишлари билан эл эътиборига тушишган. Бугун эса Ўлмас Оллоберганов, Лазиз Ахроров, Рустам Каримов, Шерзод Шавриков сингари истеъдодли ёшларимиз рубоб ижрочилигининг янги қирраларини кашф этишмоқда. Мусиқа ва санъат ривожини, истеъдодли ўғил-қизларимиз тарбияси йўлида ҳукумат миқёсида кўрсатилаётган ғамхўрлик бу давомийликни янада камол топтиришга хизмат қилишига ишонаман.

Кўшиқчи соз чала билмоғи шарт!

— Мени кўпинча бир ҳолат таажжублантади: фарзандимиз, айниқсан, қизимиз санъаткор бўлишни орзу қилса, айриқларимиз ҳар доим ҳам унинг қизиқишлари билан ҳисоблашиб, қўллаб-қувватлайвермаймиз. Лекин у барча тўсиқларни, жумладан, бизнинг қаршиликларимизни ҳам енгиб сахнада, муҳлислари ўртасида ўз ўрнини топса, концертларида биринчи қаторларда фахрланиб ўтиришдан бошимиз кўкка етади. Бу биз катталарнинг айрим ўринларда истеъдодга хурмат кўзи билан қарай олмаганимизнинг аломати эмасмикан? Сиз ўз кузатишларингиз асосида бу хусусда нима дея оласиз? Яна сўрамоқчи

бўлганим, ҳукуматимиз томонидан мусиқа мактаблари фаолиятини ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратиляпти. Шу типдаги муассасалар янгича қиёфа касб этмоқда. Лекин бу билангина қўзланган натижага эришиб бўлмайди. Мусиқий таълимга дахлдор қўлланмалар, машғулларнинг самарадорлигини оширувчи илмий, услубий манбалар устида ишлаш, яратиш зарурати бор. Бу жараён мутахассис сифатида назарингиздан четда қолмаётган бўлса керак, албатта.

— Ўринли масалалар устида тўхталдингиз. Мен ҳам сиз тилга олган ҳолатларга гувоҳ бўлганман. Иқтидор — бу юракдаги ўт. Уни ўчиришга уриши эмас, янада аланга олишига кўмаклашиш керак. Санъат инсонни тарбиялайди, демек, санъаткор ҳам бир тарбиячи. Фарзандимизда шу соҳага меҳр уйғонибдими, унга кўмаклашиш, ғамхўрлик кўрсатиш биз ота-оналарнинг бурчимиз. Ўғил-қизларимизнинг тарбиясида бўшлиқ бўлишига йўл қўймасак, маънавий, руҳий қарашларини юксалтириб, уларга одоб ва адаб сабоғини бера олсак, ортидан ҳамиша юзимиз ёруғ, қаддимиз тик бўлади. Уларни чегаралаш, истеъдодини кўра олмаслик эса билиб-билмай қилган катта хатоимиз бўлиши мумкин.

Иккинчи саволингиз устида тўхталсам, қатор илмий-услубий қўлланмалар яратилапти. Ўзбекистонда биринчи қашқар рубоби ҳақида маълумот берувчи дарслик 1963 йили профессор Фиактист Васильев томонидан ёзилган. Бундан ташқари, жаҳон классик композиторларининг асарлари ҳам қашқар рубобига мослаштириб ижро этилиб келинмоқда. Олимжон Акбаров, Қобилжон Усмонов, Ҳамидулло Нурматов томонидан рубоб ижрочилиги учун махсус қўлланмалар яратилди, яратилапти.

Сўхбатимиз сўнгиде мавзудан чекинмас-да, бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Яхши кўшиқчи бўлиш учун, албатта, қайсидир созни мукамал чала билиш шарт. Шундагина сўз — куй — ижро уйғунлигига эришилади. Биз шогирдларимиз олдига ана шу талабни қўя билишимиз, сабоқларимиз замирига сингдира олмагимиз керак.

Ойбуви ОЧИЛОВА сўхбатлашди.

(Охири. Боши ўтган сонларда.)

ЯНГДОНГ МАИЛ

Кёнг жуда биз тўхтаган кейинги манзил — Янгдонг маил(қишлоғи) бўлди. Бу маскан халқ расм-русумларини, қадимий миллий урф-одат, анъаналарини аслича сақлаб келаёттир. Гўзал табиат кўйида қурилганига юз йил бўлган сопол томли ва пастак тошдеворли уйлар қишлоқ қиёфасига ярашиб турибди.

Янгдонг маилда одамлар қачондан буён яшай бошлагани аниқ эмас. Айтишларича, милодий IV—V асрларда ҳам бу ерда одамлар яшаган. Янгдонг қишлоғи уйларининг томлари баланд, ташқи кўриниши ҳам чиройли. 1980 йил 24 декабрда миллийликни сақлаб келаётган маскан сифатида 189-рақам билан рўйхатга олинган.

Бу қишлоқнинг шуҳрати Шинла қироллиги даврида Кёнг жу атрофидаги шаҳарларга ёйила бошлаган. Чосон давлатининг аънаналари барқарор маскан сифатида кўп қизиқиш уйғотсада, Шинла қадриятларини ҳам ўзида тўла намоен этган. Узоқ йиллик тарихни бошидан ўтказган обидалар эъзозланиб, асраб келинмоқда.

Янгдонг қишлоғига кириб борганимизда кун ярмидан оққанди. Чет эллик талабалар учун ташкил этилган бу тад-

Ҳеч бир ҳаракат қилмай

тураман —

Ёмғир ва шамолларга

дош бериб.

Мен — сабр тимсолиман...

Кейинги манзил "6.25 Корея уруши тарихи боғи" бўлди. Бу ерда ҳамма нарса ўша даврдагидек, боғ ичида кичик музейлар бор. Экспонатлар тарихни жонлантирибгина қолмай, уруш даврида аҳоли кўрган жабр-ситам ва давр фожеасини ҳам акс эттиради.

Биз жойлашган меҳмонхона денгизнинг шундайгина ёнгинасида, ўрмон ёнбағрида эди. Денгиз бўйидаги катта харсанг тошларга ўйиб ёзилган сўзлар эътиборимни тортди:

"Меҳнатсевар бўлайлик, такабурликни ташлайлик, жаҳл ва бахиллик қилмайлик, чин кўнгилдан севайлик, эртароқ уйғонайлик..."

Кечга яқин корейс, хитой талабалари қизиқарли томоша кўрсатдилар.

Уч кунлик саёҳат ниҳоясига етиб, қайтаётган кунимиз ҳамма бир жойга тўпланди. Янги орттирган дўстларимизга айтадиган дил сўзларимизни ёздик.

Менинг ён дафтарим варағида: "Рахшона, Кореяга яна қайтиб кел! И Хемун"; "Опа, сиз билан танишганимдан хурсандман. И Телёнг"; "Сен, яхши дўстсан! Жанг"... каби қадрдон-

Biz dunyoni tanimoqdamiz

ўйинлари", "1988 йилги Ёзги олимпиада" мусобақалари айнан Итаэвонда ўтган. Кичик ошхоналар сони 2000дан зиёд. Кореядаги энг катта масжид ҳам Итаэвонда жойлашган.

Йўл-йўлакай, Ёнгсан электроника жиҳозлари маркетига кирдик. Биринчи қавати — ер ости метродан бошланган, ичида 3000га яқин магазин бор. Маркет ҳар ойнинг биринчи ва учинчи якшанбасидан ташқари ҳар кун очик бўлар экан. У кўп қаватли эди.

КЁНГ БОК КУНГ САРОЙИ

Сеулга саёҳатдан мақсад шу машҳур саройни кўриш эди. Кёнг бок кунг 1395 йили Чосон сулоласидан бўлмиш Тэжо қироли томонидан бунёд этилган, қирол оиласининг биринчи даражали қароргоҳи эди.

Бу машҳур сарой Сеулдаги тўрт сарой ичида энг каттаси, чиройли ва юксак архитектура услубида қурилгандир. 1592 йили япон истилоси даврида ёқиб юборилган. Ёнмай қолган бинолар 1865 йили таъмирланган.

Дарвоза олдида ўша давр либосидаги навкарлар саф тортиб туради. Учбошли бургут тасвири туширилган

каз, скаи арт(осмон санъати) галереяси бор эди. Деворлари шишадан, ҳар томондан ер кўриниб туради. Ҳанканг дарёси, кўча ва биноларни томоша қилдик.

Сеулда вақт тез ўтар эди. Сеул бекатидан кечкурунги автобусга билет олдим. Университет ётоқхонасига қайганимда тонг отаётган, кўёш ҳали кўтарилиб улгурмаганди. Мен эса бир олам таассуротлар оғушида эдим...

СЎНГСЎЗ

Корея — уч томонини денгиз ювиб турадиган, табиатан гўзал мамлакат. Халқининг меҳнатсеварлиги сир эмас, ҳозирги тараққиётида ҳам меҳнаткаш одамларининг ҳиссаси катта.

Корея маданияти ўзгача, сирли. Ўз тимсолларига эга. Ўтган бир йил давомида улар билан ҳамнафас бўлдим.

Ҳанбок — корейс миллий либоси, ҳангил эса, корей алифбосидир. Кимчи ва пулкоги — Кореянинг энг машҳур таомлари, корейс дўстларим бу таомлар билан мени кўп бора меҳмон қилди. Соккурам ҳайкали ва Пулгукса ибодатхонасига бордим. Таэквондо санъати, ниқоблар рақсини томоша қилдим. Талчум деб номланадиган ниқоб рақси жуда қизиқ экан. Ниқоб тақиб олиб рақс орқали бор дарду ҳасратингизни ифода этиш мумкин. Пусанда ўтган II кинофестивалда Кореянинг дунёга машҳур кўп артистларини кўрдим.

Афсус, Сорақсан(тоғи)га боролмадим. Сорақсан куз пайти жуда чиройли бўлар эмиш. Дарахтларининг япроқлари қизил, сариқ рангга кириб, атроф ўзгача тусда товланар эмиш. Бу беқиёс манзарани томоша қилиш учун Кореянинг турли шаҳарларидан келишар экан.

Пусан Кённамга яқин ва Корея яриморали шимол қисмининг охиридадир. Пусанда ўтган кунларим ҳақида ўйлаганимда Пусан аквариумини эсламай иложим йўқ. У денгиз остида, сиз билан денгиз ўртасида шиша девор бор, холос. Ақулар билан ўйнашаётган сузувчиларни кўриб ҳайрон қола-сиз.

Бир гал маданиятшунослик фани ўқитувчимиз топшириғи билан Пусан Чунгрёлса қалъасига бордим. 1592 йили японлар бостириб келганда қалъадагилар қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Уруш 1599 йилга қадар давом этади...

Қалъа ичида юрти учун курашган жасур ўғлонлар хотирасига Чунгрёл ҳайкали қўйилган, баландлиги 28,8 метр. Бу ерга университет олдида 51-, Теён ёг(бекати)дан 42-автобусга ўтириб келдим. Чунгрёлсада тўйхона ҳам бор, унда миллий тўйлар ўтказилар экан. Бу маскан зиёратгоҳга айлан-тирилиб, 1624 йилдан Чунгрёлса деб атала бошлаган. Худуди 93823 метр, 15 бино ва ҳовлисида таги кўриниб турадиган ҳовуз бор. Кўпроқ Сочул деб номланган шийпонча эътиборимни тортди. Бу ер қадимда кутубхона бўлган, "Сочул"нинг маъноси — "кўёш нуридан кучли, тоғдан баланд" деганидир. Бу ибора илмга нисбатан ишлатилган бўлса керак.

Пусан тез-тез байрамлар ўтиб турадиган гаройиб шаҳар. Саёҳатлар эса менга кўп нарса ўргатди. Яна Пусанга келиш имкони бўлса, албатта, тўлқинлари қирғоғига ҳаприқиби урилаётган денгиз бўйида сайр қиламан, чиганоқлар тераман. Қум устида юриш қандай яхши! Ширали Пусан сатурини қийиб юборадиган ҳалме(буви) ва ажумма(хола)ларнинг сўзларини хотирамда узоқ сақлайман. Кёсуним ва сонсенгнимлар, сизларни сира унутмайман.

Кореядан бир олам таассуротлар билан қайтдим, лекин ўйлаб қарасам, энг кўп эслаганим — Ўзбекистон, қаттиқ соғинганим — онам, отам бўлди.

РАХШОНА**“ТОНГТИ ТАРОВАТ”****МАМЛАКАТИДА****КОРЕЯ БЎЙЛАБ САЁҲАТ**

бирдан мақсад корейс маданиятини яқиндан таништириш ва урф-одатларини кўрсатиш эди. Мун Мёнгшим сонсенгним билан тарихий ёдгорликларни томоша қилдик, Шинла қироллиги даврида бино этилган қирол саройини айландик.

Тушлиқдан кейин ҳалме(буви) ва ажумма(хола)лар билан бирга оддий қишлоқ ҳовлисида кимчи тайёрладик. Кимчи корейс халқининг қадимий таомларидан бири. Корейслар барча овқатларга кимчи қўшиб ейишади.

Қизиқишу меҳр билан тайёрланган кимчини қишлоқдан жўнаб кетаётганимизда ўзимизга бериб юборишди.

КОЖЕ ДО

Баҳорга чиқиб, университетларда талабаларнинг экскурсия даври бошланар экан. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Тёгу, Кванг жу, Тёжон, Чёжу до каби манзилларнинг саёҳати эълонлари деворларга осила бошланди.

Пак Кёнгу кёсуним дарс пайти «Кимда-ким, Коже дога боришни хоҳласа, Ҳаксенг жан(талабалар сардори)га мурожаат қилсин», — деди. Уч кунлик саёҳатда яшаш жойи, йўл ҳақи ва бошқа харажатлар ҳам ичида — ҳаммаси 30000 вон бўлар экан.

Албатта, биринчилардан бўлиб рўйхатга ёзилдим.

Коже до — табиати жуда гўзал, ҳавоси оромбахш орол.

Энг аввал, корейс шеъриятининг машҳур намоендларидан бири Ю Чи Хван яшаган ҳовли ва шоирнинг уй-музейини томоша қилдик.

Музейга кираверишда шу сатрлар ёзилганди:

Мен ўлсам —**бир дона тош бўламан,****Ачинмайман, ҳеч қачон.**

ларнинг юракка яқин сўзлари ёзилган эди...

СЕУЛ

Уйга қайтиш фурсати етди. Лекин Сеулни бир бор кўрмасдан кетиш қийин. Режа туздим, кўрса арзигулик жойлар кўп, вақт эса — оз. Сеулга келганига бир йил бўлган ўзбек дўстларим менга ҳамроҳлик қилдилар.

Энг аввал, Инса донгга бордик. Бу ер антиквар буюмлар сотиладиган кўча бўлиб, Сеул марказида, Чонгно шимолида жойлашган. Чет эллик меҳмонлар бу ердан эсдалик учун корейс миллий қадриятлари мужассам, Шинла қироллиги ва Чосон сулоласи тарихига оид эсдаликлар сотиб олишар экан. Мен ҳам у-бу нарса харид қилдим.

Метрога тушиб Нам де мунга йўл олдик. Нам — жануб, де — катта ва мун — дарвоза(Жанубий катта дарвоза) дегани. XIV асрда қурилган, Кореяга асосий кириш дарвозалардан бири бўлган. Бу ерда Нам де мун бозори бўлиб, 2000га яқин катта-кичик дўконлар бор эди. Айландик: нарсалар харид қилдик.

Сеул метроси — 8 йўналишдан иборат экан. Эрталаб 5:30дан ярим тунгача ишлайди. Одамлар тиқилинч бўладиган вақт — оралик муддат 2 минут, одатий пайтлари — 5 минут. Эшиклар тепасига йўналишлар аниқ ёзилган, билетни қаерга боришингизга қараб олдиндан сотиб олиш ва манзилга етгунга қадар ёнингизда сақлаш керак. Йўқса, метродан чиқолмай қолиш мумкин экан.

Кейинги манзил Итаэвон бўлди. Бу район Америка Қўшма Штатлари армияси базаси туфайли ривожланган ва 1970 йили туристлар орасида машҳур бўлиб кетган. Европа ва Шимолий америкалик меҳмонлар халқаро конференциялари ҳамда "1986 йилги Осий

қизил-кўк рангли байроқ кўтарганча машқ қилаётган навкарлар кўз олдингизда ўша даврни гавдалантиради. Улар билан расмга тушиш мумкин, фақат бир шарт бор: бир оғиз ҳам гап қотмайсиз.

Кёнг бок кунг тоғ ёнбағрида жойлашган, сарой ичидан қорли чўққилар кўриниб туради. Билет нархи 5 минг вон экан. Кираверишда ўнг қўлда катта айлана ва атрофида ўн иккита муҷал ҳайкалчалари бор.

Музейга кирдик: қирол ва қиролича хосхонаси, ёғочдан ишланган, қирраларига олтин суви юритилган тахт; корейс миллий турмуш тарзи акс эттирилган кўргазма заллари бор эди. Иморотлар пойдевори ва ёндош деворлар тошдан, сарой бинолари эса, ёғочдан. Қирол аъёнлари йиғилиб машварат ўтказадиган сарой ўша даврдагидек жиҳозланган.

Сарой ўртасидаги ҳовузни нилуфар гуллар қўлаб олган.

Кеч тушиб қолганлиги сабабли иш вақти тугаб саройнинг барча иморатларини кўришга улгурмадик.


63 ҚАВАТЛИ БИНО

Кореянинг осмонўпар биноси — Югшиб сам билдинг. Ер устида 60 қавати ва ер остида 3 қавати жойлашган. Баландлиги 249 метр(ер ости билан ҳисоблаганда, 264 метр). Қурилиши 1980 йилнинг февралда бошланиб, 1985 йилнинг май ойида тугаган. Осийдаги энг баланд бино. Ҳар бир қават ўзгача бетакрор безатилган кўргазма залларидан иборат.

Биз 63-қаватга кўтарилдик. Билет нархи — 12 минг вон. Лифт юқорилагани сайин узоқлашиб бораётган ёрни кўриш учун ҳамма пастга қаради. Бинолар муштумдек, машиналар гугурт қутиси каби кичрайиб қолди. Биз 63-қаватда тўхтадик. Бу қаватда видеомар-

БАЛИҚЧИЛИК ЗАРАР(МИ)?

Олимлар балиқчилик ва сув йиртқиқларини овлаш маржон қояларига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқлашди. Океанортик тадқиқотчилар 2005—2009 йиллар давомида Тинч океанининг марказий қисмида жойлашган Лайн экваториал ороллар гуруҳи атрофида мазкур йўналишда изланиш олиб борган, деб ёзади «Эколожи» («Ecology») нашри.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, ороллардан куруқликкача бўлган энг яқин масофа минглаб километрни ташкил этади. Бу оролларнинг баъзи соҳилларида наҳанг балиқлар каби денгиз йиртқиқлари овланади, қолганларида эса умуман балиқчилик қилинмайди.

— Балиқ овлаш яхши йўлга қўйилмаган ҳудудларда денгиз йиртқиқлари кўплаб учрайди, майда балиқлар эса улардан химояланиш мақсадида ўз пана жойидан узоқ масофага кетмайди, — деди Калифорния университети профессори Роберт Уорнер. — Аммо аҳоли зич жойлашган ва балиқчилик жадал ривожланган оролларда улкан сув балиқлари сони кескин камайган, майда турдагилари эса ҳудуд бўйлаб эркин ҳаракатланади. Натижада, мазкур ҳолат бутун экотизимга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мутахассиснинг сўзларига кўра, йиртқиқларнинг камайиб кетиши ва майда балиқларнинг кўпайиши туфайли маржон қоялари бутунлай ўзгача қиёфага кира бошлаган. Бунга сабаб, балиқлар хавф сезмаган ҳолда ҳаракатланиб, ўзи яшайдиган маржон қоялари атрофидан эмас, балки нисбатан узоқроқ ҳудуддаги сув ўсимликлари ва денгиз ўтларини кўпроқ озуқа сифатида истеъмол қиляпти. Натижада, коралл атрофлари ўсимликлар билан тўлиб кетмоқда. Экологларнинг қузатувлари эса сув ўтлари ва маржон қоялари ўртасида ўсиш борасида ўзига хос рақобат борлигини кўрсатди. Негаки, маржон қояларининг ҳажман катталашини учун очиқ ҳудуд талаб этилади. Бироқ бугун юзага келган вазият туфайли эса сув ўтларининг кўпайиши кораллларнинг катталашини тўсқинлик қилмоқда.

ОГРИҚНИ ҚОЛДИРАДИ

Буюк Британиядаги Когнитив нейробиология институти тадқиқотчилари инсоннинг тана қисмидаги бирор огриган жойига ўз кўлини қўйиши, огриқни қолдириши мумкинлигини илмий асосда исботлашди.

Изланиш ҳақида «Нейробиологи» манбасида эълон қилинди.

Тадқиқот пайтида олимлар илм-фанда «сохта қуйиш тасавури» номини олган таъсир усулидан фойдаланган.

— Бунда тажриба иштирокчиси ўнг кўлининг кўрсаткич ва номсиз бармоқларини иссиқ, ўрта бармоғини эса совуқ сувга солади. Жараёнда совуқ сувда турган бармоқ ҳам ловуллаётгандай туюлади. Аслида эса бу асаб тизимининг кўзгатувчига нисбатан таъсири туфайли юзага келадиган сохта ҳисдир, — деди тадқиқот раҳбари, профессор Эдвин Марвин.

Шундан сўнг тажриба қатнашчилари энгил огриқ пайдо бўлган ўнг қўл бармоқларига чап қўлларни теккизганда улардаги огриқ аста-секин тўхтаган. Қолаверса, қатор илмий методлар ёрдамида 64 фоиз ҳолатда огриқни қўл теккизиш орқали камайтириш, ҳатто йўқотиш мумкинлиги ҳам қайд этилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тадқиқотда яна бир қизиқ жиҳат аниқланган: дард сезилган тана қисмига ўзга одам қўли теккизилса, огриқ йўқолмас экан. Мазкур ҳолат сабабини ўрганиш мақсадида тажриба яна давом эттирилади.



ЎЗИНИ-ЎЗИ НОБУД ҚИЛАДИ

Профессорлар Авраам Лойтер ва Ассаф Фридлер раҳбарлигидаги Исроил университетининг бир гуруҳ олимлари ОИТС вирусига қарши курашиш мақсадида олиб борган изланиши туфайли кутилмаган муваффақиятни қўлга киритди. Гап шундаки, улар тажриба пайтида вирус фаоллигини пасайтириш ўрнига уни кескин равишда кучайтиришга ҳаракат қилган. Натижада, инфекциянинг ўзини-ўзи нобуд қилиш ҳолати кузатилди. Тадқиқот «Сайнс» илмий журналида чоп этилди.

Профессор Ассаф Фридлернинг сўзларига кўра, жараёнда олимлар вирус инсон организмидеги соғлом ҳужайра ДНКга кириб, 2-3та ўз нусхасини пайдо қилишини кузатишган. Ўз навбатида, нусхалар яна соғлом ҳужайраларни зарарлайди ва шу тариқа вируснинг занжирли ҳаракати туфайли бутун тана шикастланади. Лекин агар вирус соғлом ҳужайрада одатдагидай 2-3 эмас, балки 15-20та нусхада яратилса, у ҳолда ҳужайранинг ўзи ҳам, вирус ҳам биргаликда нобуд бўлар экан.

Шу тариқа, ҳозирча лаборатория шароитида муваффақиятли ўтказилган тажриба, мутахассисларда касалликни самарали даволаш усули аниқланганига ишонч уйғотмоқда. Айни пайтга келиб олимлар соғлом ҳужайрага тушган ОИТС вирусини фаол равишда ўз нусхаларини кўпайтириб, шу тариқа ўзини нобуд қилишига туртки бўладиган моддани ҳам кашф этишган. Келгусида тажрибаларнинг кенг қамровда батафсил ўрганилиши режалаштирилган.

МИЯ УЧУН ФОЙДАЛИ

Биологлар сабзи ва зайтун мойи таркибидаги моддалардан бири кексайганда кузатиладиган миядаги шамоллаш асоратлари ва хотира билан боғлиқ нуқсонларни бартараф этишда жуда фойдали эканини таъкидлашмоқда. Бу ҳақида myhealthnewsdaily.com электрон саҳифасида маълум қилинди.

Таъкидланишича, лютеолин (luteolin) номини олган ушбу модда аввал қалампир, кашнич, ялпиз, розмарин ва мойчечак таркибида ҳам борлиги аниқланган. Иллинойс университети илмий ходимлари олиб борган тажрибаларда эса мазкур маҳсулотларни истеъмол қилиш орқали мия фаолиятини яхшилаш ҳамда вақт ўтгани сари бу органда кузатиладиган яллиғланиш ҳолатларининг олдини олиш мумкинлиги исботланди.

Жараёнда 4 ҳафта давомида тажриба иштирокчиларининг озиқ-овқат маҳсулотларига лютеолин моддаси қўшиб берилган. Сўнг мутахассислар томонидан ахборотни қабул қилиш ва хотирани текшириш бўйича ўтказилган синовларда қат-



нашчилар аввалгига нисбатан юқори натижаларни кўрсатгани қайд этилди. Бош миядаги яллиғланиш аломатлари ҳам камайган, айрим ҳолларда батамом йўқолгани кузатилган. Жараёнда олимлар асосан хотира функциясини бажарувчи мия қисми — гиппокамусдаги ўзгаришларни ўрганган.

— Табиий ҳолатда кексайиш пайтида миядаги иммунитет тизими ҳужайралари нисбатан кўпроқ молекулалар ишлаб чиқара бошлайди. Оқибатда, мияда яллиғланиш юзага келади ва бу ҳолат хотирага ҳам салбий таъсир кўрсатади, — деди Иллинойс университети профессори ва тадқиқот раҳбари Родни Жонсон. — Тажриба пайтида лютеолин моддаси миядаги молекулаларнинг меъёрдан ортиқча ишлаб чиқарилишига чек қўйиши кузатилди.

Шунингдек, лабораторияда ўтказилган тестлар лютеолин миядаги нейронларни нобуд этувчи турли зарarli моддаларнинг иммунитет ҳужайраларига таъсирини ҳам йўқотишини кўрсатди.

ЮРАККА ЗИЁН ЕТКАЗАДИ

Ҳавонинг тозалигига путур етказувчи майда зарралар юрак фаолиятига ҳам жиддий таъсир этар экан. Мазкур хулосани Лонг-Айленд тиббий маркази илмий ходимлари тақдим этишди, дейилади «Хелсдэй Ньюс» («HealthDay News») манбасида.

Тажриба доирасида мутахассислар юрак уриши тўхтаб қолиши аниқланган ҳолатлар, улар билан ҳавонинг ифлосланиш даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб чиққан. Нью-Йорк шаҳри мисолида улар 2002—2009 йиллардаги статистик маълумотни ҳам таҳлил этишган.

Натижалар 1 куб метрда ҳавонинг тозалигини бузувчи зарarli моддаларнинг 10 микрограммга кўпайиши юрак тўхтаб қолиш ҳолатларини 4-10 фоизга оширишини кўрсатди. Бундай ҳолатлар, айниқса, ёз ойларида кўп кузатилар экан.

— Соғлом одамларда бу каби ҳолатлар кузатилмайдиган бир пайтда юрак ҳас-талиги аниқланган беморлар қон босимининг меъёрдан юқори бўлиши ҳам уларнинг соғлиги учун жиддий хавф тугдиради. Бошқача қилиб айтганда, уларда юрак хуружи ёки стенокардия кузатилиши мумкин, — деди мутахассис Жеймс Грин.

Тадқиқот давомида океанортидаги салкам 60 фоиз аҳоли юрак фаолияти учун хавфли ҳудудларда истикомат қилиши аниқланди. Европада ҳам аҳвол ижобий, деб бўлмади. Биргина Буюк Британияда ҳавонинг тозалиги бузилиши туфайли йилига 50 минг нафар инсон ҳаётдан кўз юмади. Статистик маълумотларга кўра, бу семириш, чекиш ва йўл транспорт ҳодисаларига нисбатан ҳам каттароқ кўрсаткич, дегани экан.

СОМОНЛИ ПИРАМИДА ТОПИЛДИ

Канада ва АҚШ тадқиқотчилари томонидан Уака-Колорада кўргонидаги (Перу) қазилма ишлари пайтида сомонли лойдан барпо этилган ноодатий пирамида ва бир қанча турар жойлар топилди. Манзилгоҳ мамлакат жанубидаги Хекетепеке водийсида жойлашган бўлиб, ўтган йили 24 гектарга тенг ҳудудда археологик изланишлар бошланган. Олимларнинг таъкидлашича, қадимий топилма 500—800 йиллардаги Моче маданиятига тегишлидир. Бу ҳақида «National Geographic» эълон қилди.

Иншоот энига 390, умумий баландлиги эса 140 метрга тенг. Пирамида қияликда қурилган бўлиб, унинг асосий қисми ер тагида, чуқурликда жойлашган. Шу сабаб шимолий томондан қараганда, иншоот ясси шаклга эга бўлиб кўринади. Лекин жанубдан назар ташланса, у 7 қаватли, ҳашамдор экани яққол кўзга ташланади.

— Кўп ҳолларда пирамида шаклидаги бу каби иншоотлар ўзига хос сағана вазифасини ўтаган ва улар одамларнинг турар жойларидан узоқда қурилган, — деди тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари, Торонто университети профессори Эдвард Свенсон. — Аммо бу гал биз бироз бошқачароқ манзарага дуч келдик. Аниқроғи, ушбу пирамиданинг тепасидаги ясси қисмида 20 нафарга яқин инсон яшаганини тарихий манбалар кўрсатяпти. Ҳозирча улар маълум мақсадда бу ерда ишлаган темирчилар эканини тахмин қиляпмиз, боиси пирамиданинг пастки қисмларида мис эритадиган ўра қолдиқлари, меҳнат қуроллари топилди.

Мутахассислар темирчиларнинг тепалик юқори қисми — очиқ ҳавода яшашда ҳеч қандай ажабланарли жиҳат йўқ, деган фикрда. Негаки, мис 1 083 даражада эрийди ва атроф кўп ҳолларда қора тутун билан қопланади. Мазкур жиҳатларни эътиборга олган археологлар мис металлургияси бу даврда фақатгина ҳунар тури бўлиб қолмай, балки Моче маданиятининг ажралмас қисми сифатида ҳам муҳим ўрин тутганини тахмин қилишмоқда.

Моче маданияти шу пайтгача батафсил ўрганилмагани боис, манзилгоҳ инклар жамияти барпо этилишига қадар бўлган давр ҳақида кенгроқ тушунча беришига тадқиқотчилар умид қилишяпти.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

ТУЗАТИШ

«Ma'rifat» газетасининг 2010 йил 27 октябрь сониде берилган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим мактаблари учун қуйидаги электрон ахборот-таълим ресурсларни кўпайтириш (диск шаклда) бўйича Танлов» сарлавҳали эълонидаги «2010 йил 3 октябрь» сўзи «2010 йил 3 ноябрь» деб ўқилсин.

2004 йили Тошкент давлат техника университети томонидан Мелиқўзиёв Жамолддин Тўлқинович номига берилган № 0002 рақамли рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда Бирлашган касаба уюшма кўмитаси жамоаси 1-Тошкент педагогика коллежи директори Шавкат Курбоновга синглиси **Маъмура МИРАЛИЕВАН**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

1-Тошкент педагогика коллежи жамоаси коллеж директори Шавкат Курбоновга синглиси **МАЪМУРА ОПАН**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

ЎЗБЕК НИМА ДЕЙДИ?

(Давоми.
Боши ўтган сонларда.)

Янги машина билан кутлаганда:

— Тулпор муборак бўлсин, филдираги остидан шамол ўтиб юрсин. Яхши кунларингизга ярасин.

Келин тушганда:

— Қадами кутлуғ бўлсин. Ёшларнинг бахтини берсин. Туп кўйиб, палак ёзсин. Кўша қариб, ўзидан кўпайсин...

Тўйга борганда:

— Тўйлар муборак бўлсин. Бошингиз тўйдан чиқмасин. Тўй-тўйга улансин.

Каззобликка рўпара келганда:

— Эчкига жон қайғуси, қас-собга ёғ қайғуси экан-да...

Кутмаган одами йўқлаб келганда:

— Бахайр, кун (куёш) қаёқдан чиқди?
— Қайси шамоллар учирди?

— Бошидан чўп синдирайликми, калтак?..

Шошган одамни кўрганда:

— Шошганда лаббай топилмас.
— Нима бало, ёв қувдими?
— Ё бир жойга ўт кетдими?..

Меҳмонни кутиб олганда:

— Келсинлар, келсинлар, қадамларига ҳасанот. (Кучоқ очиб, бағрига босилади. Кексалар меҳмон куракларини уқалаб, елкаларига кафт тегизиб, юзларига суртадилар.)

Ўйинқароқ болалар даврасини тарқатганда:

— Уй-уйликка, тепа тўйликка!

Боласини кутган она:

— Кутавериш кўзларим тешилди-я. Неча бор ўлиб, неча тирилдим. Қайси кўчаларга кириб чиқмадим. Бир оғиз кўнғироқ қилиб кўйсанг бўлмайдим, болам...

Қовунни мақтаганда:

— Тилингизни ёради.
— Лабингизни лабингизга пайвандлаб кўяди.
— Ширинки, асал, новвот...

Савдолашганда:

— Олганга қиммат, сотганга арзон.
— Келинг, бориға барака...

Ҳазабга минган одамга:

— Ҳай-ҳай, ҳовурингиздан тушинг.
— Шайтонга ҳай беринг...

Ғафлатдаги одамга:

— Кўзингизни каттароқ очинг. Атрофингизда нималар бўлаяпти?! Бундай назар солинг, ғафлат босиб ётавермай...

Разолат, ноҳақликка гувоҳ бўлганда:

— Бирники мингга, мингники туманга дейдилар. Чиллаки чиллакини кўриб, чумак уради. Бундай иллат тез тарқалади, зудлик билан илдизига болта урмоқ керак...

Ҳарбий хизматга кузатганда:

— Нонни тишла, келгунингча на-сибанг узилмасин...

Совчиликка борганда:

— Эшигингизга кулчиликка келдик. Қизи борнинг нози бор. Айтинг, шартингизни, эгачи?..
— Қизимизнинг ҳали ўқиши бор,

Ajdodlar odobi

отаси, қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашиб кўрайликчи?..

Кўшиқ ё рақс маъқул келганда:

— Барака топ! Санъатингга офарин!

Овқат оғизга ёққанда:

— Кўлингиз дард кўрмасин.
— Таомингизнинг мазаси оғизда қолади.
— Дастурхонингиздан барака аримасин...

Инсофга чақирганда:

— Сиздан нима кетди, барака топгур, ҳўп денг...

Ватанига қайтганда:

— Ўз уйим — ўлан тўшагим...

Таққослаганда:

— Ўзимизниқидан ўтаверсин...

Эътироф, қониқишда:

— Ўзингизниқидан кўймасин...

Маҳмуд САТТОР

(Давоми бор.)

ЕР РЕСУРСЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади

Бугунги кунда табиатни муҳофаза қилиш масаласи жамиятнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва экологик аҳамиятга эга бўлган вазифаларидан биридир. Чунки жамиятнинг моддий фаровонлиги, келажак авлодларнинг тақдири бебаҳо бойлик ҳисобланган табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш билан боғлиқ. Шу сабабдан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, нафақат экологик, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айнан, мазкур долзарб вазифаларнинг бажарилиши, энг аввало, инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун хизмат қилади. Зеро, асосан ердан олинган маҳсулотларни қайта ишлаш ёки турли техно-

логик жараёнлар ёрдамида уларни ўзгартириш ҳисобига янги иш ўринлари ёки меҳнат воситалари шакллантирилади ва ташкил этилади.

Ер барча моддий бойликларимиз, меҳнат қилиш ҳуқуқимизни таъминлаб берувчи асосий воситалардан бири экан, демак, ерни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш қоидаларига масъулиятсиз қараган, бу қоидаларни бузган жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан самарали жазо чораларини қўллаш зарурий талаб ҳисобланади.

Ер қонунчилигини бузган субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жазо чоралари белгиланган. Интизомий жавобгарлик бошқа юридик жавобгарликлардан фарқли равишда ер қонунчилигига амал қилиш меҳнат вазифасига қирадиган ишчи ёки хизматчиларнинг иш вақтида содир этган ҳуқуқбузарликлари учун

қўлланилади.

Маъмурий жавобгарлик жарима шаклида ёки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишда фойдаланилган қурол ёки бевосита ушбу воситадан фойдаланиш бўйича берилган маҳсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш, ов қилиш ҳуқуқларидан) маҳрум этиш ва маъмурий қамоққа олишдан иборат. Ер қонунчилигини бузганлиги учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарлик турларидан бири ҳисобланади. Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликнинг кейинги тури бу жиноий жавобгарликдир.

Ер қонунчилигини бузганлиги учун маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг ер, ер ости

бойликларидан фойдаланиш шартлари ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш қонунга кўра уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бу ҳуқуқбузарликларни камайтириш ва олдини олиш учун ер ҳуқуқий муносабатлари субъектларида, авваламбор, ҳуқуқий онгни ошириш ва ҳуқуқий кўникмаларни ҳосил қилиш ўта долзарбдир.

Албатта, асосий бойлигимиз бўлган ер ресурсларини муҳофаза қилиш, ундан тежаб-тергаб фойдаланишни ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, шунингдек, қонунчиликда кўрсатилган ер ҳуқуқбузарликларига нисбатан белгиланган жавобгарликларни ўрнатиш борасида суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъулиятининг ошиши кутилган натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Б. БОЙМУРОВ,
ТДЮИ магистри

Математика фани шундай тилсимларга тўла оламки, унда ҳам ўз ечимини топмаган масалалар, муаммолар жуда кўп. Арифметика, алгебра, геометрия, анализ асослари, олий математика, кибернетика, ахборот-коммуникация технологиялари... оддийликдан мураккабликкача бўлган йўл. Ана шу мўъжизалар силсиласи қаҳрамонимиз Улуғбек Сағдиевнинг дунёсига айланган. Болалар дунёсида яшаш эса унинг умр аъмолидан нишон.

— Дарсларни бир қолипга солмасдан, эр-

лаёқатини кучайтиради.

Шу пайтгача бу ўқитувчи 1 дарслик, ўқитувчилар учун 2 методик қўлланма ва синфдан ташқари ишларга мўлжалланган 5та наشري ўқувчиларга тақдим этди. Улуғбек Сағдиевнинг 7-синф ўқувчилари учун ҳаммуаллифликда яратган "Геометрия" дарслиги ўтган йили Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган тендерда голиб топилиб, амалиётда қўлланилмоқда.

Ўқитувчилар учун мазкур дарсликнинг

Ta'lim fidoyilari

ва зукко билимдонлар кутубхонаси" туркумидаги китобларнинг яратилишига асос бўлди, — дейди У.Сағдиев. — Шунинг учун ҳам унда асосий ўқув материалдан ташқари, қўшимча маълумотлар берилган бўлиб, масалаларни турли усуллар билан ечиш кўникмалари шакллантирилади.

Улуғбек Сағдиевнинг умидли шогирдларидан Улуғбек Каримов 2007 йили Москва шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада

ИСТЕЪДОДГА ҚАНОТ БЎЛИШ ҲИКМАТИ

кин ва ижодий руҳда ўтиш, ўқувчиларнинг дунёқарашини, онгини, ижодий қобилиятларини, тасаввурларини ривожлантириш, уларни математика фанини чуқур ўрганишга қизиқтириш, топқирлик ва зукколик оламига, ўйинлар ва хаёлот дунёсига босқичма-босқич олиб кириш асосий мақсадим, — дейди Улуғбек. —

Математика фанини ўрганиш болалар учун қизиқарли, мароқли, қувноқ машғулотга айланиши керак. Мавзуларнинг тушунарли ва кўргазмалли бўлиши, ўқувчиларни бу фанга қизиқтириш учун турли манбалардан фойдаланишга, янги маълумотлар тўплашга ҳаракат қиламан. Чунки қизиқарли бошқотирма ва масалалар, кўргазмалли воситалар ўқувчилар



муваффақиятли иштирок этди. Айни пайтда у Ўзбекистон Миллий университетидан таҳсил олмақда.

Истеъдодларга қанот ва мадад бўлиш учун устозлик меҳри билан бирга билимдонлик ва салоҳият зарур. Улуғбек Сағдиевда ана шу хислатлар бор. Шогирдлари турли танлов ва олимпиадаларда голиблик шохсупасини эгаллаганда, унинг ана шу хислатлари яна бир бор эътироф этилгандек бўлади. Бу эса Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг математика фани ўқитувчиси Улуғбек Сағдиев учун энг катта мукофотдан ҳам улғурокдир.

Дилбар КЕНЖАЕВА

ФИНАЛГА ТЕНГ ЧОРАК ФИНАЛ

Пойтахтимиздаги "Пахтакор" ҳамда "Жар" стадионларида 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати ўзининг қизгин палласига кириб бормоқда. Кеча энг сўнгги чорак финал иштирокчиларининг номи маълум бўлди.



"А" гуруҳидан иккита галаба ва битта дуранг эвазига биринчи ўрин соҳиби бўлиб плей-офф босқичига чиққан ҳамюртларимиз "В" гуруҳида Эрон терма жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган Сурия вакилларига қарши ярим финал йўлланмаси учун курашни давом эттиришади.

Хабарингиз бор, ўсмирларимиз ўз гуруҳидаги охириги матчни тожикистонлик тенгдошларига қарши ўтказди ва ушбу қарама-қаршиликда чемпионатнинг ҳозирча энг йирик ҳисоби қайд этилди — 8:1.

Шу куни "Пахтакор" ўйингоҳи муҳлислари билан тўлди. Уларнинг оқибатлари, қўллаб-қувватлаши натижасида спортчиларимиз мана шундай йирик галабани қўлга киритди.

Юртдошларимиз гуруҳидан ўрин олган Йордания ва Индонезия терма жамоаси ўртасидаги ўйин арабларнинг кичик галабаси (1:0) билан тугади ва улар ҳам плей-офф босқичига йўлланма олди. Энди чорак финалда КХДРга қарши тўп суради.

Кеча "С" гуруҳидаги марказий учрашув бўлиб

ўтди. Унда Япония ва Австралия ўсмирлари куч синашди. Шиддатли ҳужумларга бой ўтган қизиқарли мусобақа 0:0 ҳисобида якунланди. Иккинчи турда японларни кутилмаганда 1:0 ҳисобида енгган Шарқий Тимор эса Вьетнамга қарши майдонга чиқди ва 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Мазкур 3 очко вьетнамликларга ўз гуруҳида учинчи ўрин бўлиш учун кифоя қилди.

"D" гуруҳидаги сўнгги матлар ҳам бир-биридан мурасасиз тарзда кечди. БАА футболчилари ироқлик тенгдошларини имтиҳонга чорлади. Якуний ҳисоб — ҳисоб 1:0. Хитой ва Кувейт тўқнашувида омад кувайтликларга кулиб боқди (1:0). Шу тариқа мазкур гуруҳлардан кейинги босқичга йўл олган БАА терма жамоаси Австралия билан, Ироқ эса



Япония билан ярим финал лицензияси учун мусобақани давом эттирадиган бўлди.

Чорак финал учрашувини маълум маънода финалга тенглаштириш мумкин. Боиси шундаки, айнан шу босқичда зафар қозонган терма жамоаларга келгуси йили Мексикада ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма берилади. Умид қиламизки, ана шу тўрт омадли жамоа орасидан бизнинг ўсмирларимиз ҳам ўрин олади.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

КУЧЛИЛАР АНИҚ БЎЛДИ

Футбол бўйича Ўзбекистоннинг 19-мавсуми чемпиони номи маълум бўлди. Чемпионатимиз якунланишига бир тур қолганда, пойтахтнинг "Бунёдкор" клуби ўз унвонини сақлаб қолиш баробарида, кетма-кет учинчи марта олтин медаль эгасига айланди.

Пойтахтнинг яна бир донгдор жамоаси, "қалдирғоч"ларнинг ягона таъкибчиси — «Пахтакор» кумуш, Қаршининг «Насаф» жамоаси эса бронза медаль соҳиби бўлди.

Миржалол Қосимов шогирдларининг муддатидан олдин чемпион бўлиши 25-турдан ўрин олган "Бунёдкор" — "Металлург" матчи натижаси билан боғлиқ эди. Юртимизнинг амалдаги чемпионлари ушбу қарама-қаршиликда бекобдликларни мағлуб этсагина мақ-

садига эришиши муқаррар эди. Сабаби шуки, иккинчи ўринда бораётган "Пахтакор" клуби 24-турдан кейин улардан 5 очко ортда қолаётганди. Бироқ муҳим ўйинни Самарқандда ўтказиб, "Динамо"га "пахтакорчи"лар 1:2 ҳисобида енгилди. "Бунёдкор" клуби эса худди шу ҳисобда "Металлург"ни доғда қолдирди.

Эътибор берган бўлсангиз, Олий лигамизнинг мазкур мавсумида асосий кураш учинчи ўрин учун кечди. Шу боис бронза медаль илинжида ҳаракатланаётган клубларнинг ўзаро учрашуви чинакам драматизмга тўла бўлди. Унда Қашқадарёнинг икки жамоаси: "Насаф" ва мавсум кашфиёти бўлган "Шўртан" ўртасида кураш борди. Фузор-



Oliy liga

лик футболчиларда илк одимдаёқ фахрли учликка кириш имкони туғилганди, бироқ таъриба ва маҳорат бобида устун бўлган қаршиликлар бунга йўл қўйишмади. Қолаверса, "Шўртан" сафарда "Қизилқум"га қарши майдонга тушиб, 3:1 ҳисобида мағлуб этилди. "Насаф" эса ўз уйида ноқулай рақибларидан бири Тошкентнинг "Локомотив" клубини 2:0 ҳисобида енгилди муваффақ бўлди.

25-турнинг қолган матчлари натижалари қуйидагича кўриниш олди: "Олмалик" — "Нефтчи" 0:1, "Андижон" — "Машъал" 1:1, "Навбахор" — "Хоразм" 4:1.

Кучлилар аниқланди. Энди навбат — бу йил қайси жамоалар Олий лигани тарк этишига ойдинлик киритиш масаласига келди. "Ўйиндан муддатидан олдин чиққан" жамоа "Хоразм"нинг ортидан яна қайси жамоа йўл олишини 31 октябрь куни ўтказиладиган сўнгги турдан кейин билиб оламиз.

МУХБИРИМИЗ

ХУШХАБАР

Мўғулистонда юз катакли шашка бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган терма жамоамиз аъзолари 1та олтин ва 2та кумуш медалга сазовор бўлди. Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсда Сайёра Йўлдошева олтин медаль, Нигина Бозорова ва эркаклар ўртасидаги муҳорабада Алишер Ортиқов кумуш медалга эришди.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутасаддилигида ўтказиб келинаётган «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжуманининг навбатдаги XI йигини 2011 йил апрель ойида ўтказилади. Анжуман «Ўзбек тили таълимида педагогик технологияларнинг ўрни» мавзуси муҳокамасига бағишланади.

Халқ таълими вазирлиги барча ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда шу соҳа мутахассисларини юқорида зикр этилган мавзу бўйича маъруза билан анжуманининг XI йигинида иштирок этишга таклиф қилади.

Маърузанинг 2-2,5 бет ҳажмидаги қисқача баёни (электрон вариантда)ни 2010 йил 1 декабрдан Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй, республика Таълим маркази «Ўзбек тили» доимий анжумани ташкилий кўмитасига йўллашнинг сўралади. Тезисларда иш жойингизни кўрсатиб, ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот ёзишни унутманг.

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ



БУГУН ГОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Норвегиялик гроссмейстер Магнус Карлсен еттинчи турдан кейин "Улкан тож" турнирига оид турнирларда тўплаётган очколари бўйича таъкиб қилиб келаётган рақибларига бироз имконият берди.

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ташкиллаштирилган мазкур нуфузли турнирда Карлсен оқ дончаларда амалдаги жаҳон чемпиони ҳиндистонлик Вишванатан Анандга қарши донга сурди. Ананд ўз унвонини муносиб ҳимоя қилди ва матч 70-юришдан сўнг дуранг билан якунланди.

Озарбойжонлик Вугар Гашимов ва хитойлик Ван Юэ ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам 67-юришдан сўнг дуранг билан тугади.

Шу тариқа Карлсен 7 учрашувда 5 очко тўплаб, яқна пешқадамга айланган бўлса, франциялик Бахро ва Ананд ҳисобида 4 тадан очко бор.

Умумий ютук фонди 250 минг еврини ташкил этувчи турнир бугун ниҳоясига етди.

НИШОНГА АНИҚ ТЕГДИ

Америкалик спортчи Жейми Бейерл Германиянинг Мюнхен шаҳри мезбонлик қилган кичик калибрли милтиқдан ўқ узиш бўйича кечган халқаро турнирда 50 метрлик масофадан нишонга теккизиш борасида олтин медаль соҳиби бўлди.



Финал баҳсидан кейин мерган Бейерл ҳисобида 690,7 очко мавжуд эди. Ушбу балл унинг биринчилик шохупасига кўтарилишига етарли эди, албатта.

Нишонга олиш бобида энг қийин масофалардан бири бўлган 50 метрга ўқ узиш мусобақасида иккинчи ўрин сербиялик Лидия Михайловичга насиб қилди. У ҳал қилувчи синовдан сўнг 686,5 очко тўлади. Мезбонлар вакили Соња Пфайльшифтер 685,9 очко жамғариб, учинчи ўринни банд қилди. Айнан шу спортчи бироз олдин 10 метр масофага ўқ узиш бўйича олтин медаль эгаси бўлганди.

ВИКТОР МАҒЛУБ БЎЛДИ

Россия пойтахти Москвада бўлиб ўтган анъанавий Кремль кубоги матчларида голиб ва совриндорлар номи аниқланганидан хабардорсиз. Қолаверса, унда юртдошимиз Окгул Омонмуродова ҳам муносиб қатнашганди.

Мазкур турнирда эркаклар ўртасидаги курашларда бош соврин эгасига айланган сербиялик Виктор Троицки Санкт-Петербургда бошланган яна бир нуфузли биринчиликда германиялик рақибаси Райнер Шуттлерни мағлуб этолмади.



Деярли тенг курашлар остида ўтган қизиқарли матч уч сет давом этди. 2 соату 10 дақиқага чўзилган мусобақада 6:3, 4:6, 6:3 ҳисоби қайд этилди.

Шуттлер энди украиналик теннисчи Александр Долгополов билан куч синашди. Айтиб ўтамиз, турнирнинг умумий ютук жамғармаси 660 минг долларни ташкил этади.

ГВАРДИОЛА ОРЗУСИДАГИ ГРАНДЛАР

"El Mundo Deportivo" нашри тарқатган маълумотга кўра, «Барселона» футбол клуби бош мураббийи Пеп Гвардиоланинг шартномаси ниҳоясига етиши муносабати билан унга "огиз" солаётган гранд жамоалар сони ортиб борапти.



Шу мавзада келтирилган хабарда ёзилишича, келгуси йилнинг ёзида Гвардиола ўз фаолиятини Италия яшил майдонларида давом эттириши мумкин экан. Ҳозирда бироз "нафас ростлаётган" «Милан» клуби ёки Рафаэль Бенитесдан қониқиш ҳосил қилолмаётган «Интер» клуби рақибарияти Пепни ёрдамга чорлаш ниятида.

"The Mirror"да келтирилган янгиликда эса Хосеп Гвардиола келгуси мавсумни «Манчестер Юнайтед» бош мураббийи сифатида бошлаши мумкинлиги тўғрисида ёзилган.

Бироқ Пепнинг агенти Мари Орбит "Барселона" томонидан таклиф қилинадиган шарнома бу борадаги ҳар қандай тахминларга нукта қўйиши муқаррарлигини таъкидлаган.



ФУСУНКОР ТУЙГУЛАР ТАҚДИМОТИ



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, халқ рассоми Ортиқали Қозоқовнинг «Фусункор туйғулар изҳори» деб номланган шахсий кўргазмаси очилиш маросимида жамоат арбоблари, ижодкорнинг оила аъзолари, хорижий мамлакатлар дипломатик корпуслари вакиллари ҳамда тасвирий санъат мухлислари иштирок этди.

Кўргазмада ижодкорнинг сўнги 13 йил ичида яратган энг сара асарлари ўрин олди.

Таъкидлаш жоизки, Миллий санъат марказида очилган кўргазма йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Катта ва мухташам саройда йиғилган меҳмонлар Ортиқали Қозоқов мўйқаламига мансуб ҳаётий, миллийлик-ла йўғрилган, соф ўзбекона руҳдаги асарлардан яна бир бора баҳраманд бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, таниқли ўзбек рассоми Ортиқали Қозоқов томонидан яратилган мусаввирлик ишлари республикада ташкилотлари, кўргазма заллари ва галереяларидан жой олган. Жумладан, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон Миллий банки, Замонавий санъат галереяси, Бадиий Академиянинг Марказий кўргазмалар зали, Тошкент халқаро аэропорти қабуллар зали ис-

теъодли рассом асарлари билан бойитилган. Бундан ташқари, улар Америка, Франция, Италия, Германия, Япония, Корея каби дунёнинг 30га яқин мамлакат музейларини ҳам беэаб турибди.

Кўргазмага қўйилган суратларни томоша қилар эканмиз, рассомнинг чин маънода ватан, муҳаббат, садоқат, миллий рух, табиат куйчиси эканига яна бир бор амин бўлдик. Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан таниқли санъатшунослар ижодкор асарларидаги ўзбекона гўзаллик, халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи, феъл-атворию миллий анъаналарига ўзига хос рангин дунё орқали назар ташлашини ало-

ҳида таъкидлаб ўтишди. Юсак истеъдоди билан халқимиз ҳурматига сазовор бўлган Ортиқали Қозоқовга «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳомийси» кўкрак нишони топширилди. 30 йиллик ижодий фаолияти давомида О.Қозоқов халқимиз, ватанимиз доврүгини полотнога туширган ранго-ранг суратлари орқали дунёга танитишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Кўргазмадан бир ой давомида баҳраманд бўлишингиз мумкин.

Шаҳина ЖўРАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Кўргазмадан Бурҳон РИЗОКУЛОВ
фоторепортажи.



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва fan xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV,
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),
Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учи-
тель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-922.
Tiraj: 25956.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Hulkar RAJABOVA.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
Yil axiri — 21.30